АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2002 йил 19 ФЕВРАЛ сешанба
№ 7 (263)
Сотувда эркин нархда

Олов ёшликни қўмсаб...



Вазирлар Маҳкамасининг "2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

* * *

Бекободда қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишини назорат қилиш ва мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Қува туманидаги "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик бирлашмаси Қозоғистон Республикаси пойтахти — Остона шаҳрида "Қува" савдо дўконини очди.

* * *

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатларида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг навбатдаги минтақавий анжумани бошланди.

* * *

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Сарҳисоб

ИСЛОҲОТЛАР ЯНАДА ЧУҚУРЛАШАДИ

14 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Юртбошимизнинг нутқида 2001 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қўлга киритилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, 2002 йилда бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Унда таъкидланишича, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди. 2001 йилда биринчи бор ялпи ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103 фоиз ўсишига эришилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқарилиши 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4,5 фоиз кўпайди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоиз ўсди. Ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди.

Иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди. Яъни, хўжалик юритишдаги маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларни рағбатлантириш усулларига асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди.

2001 йилда бир қанча улкан инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газ-кимё мажмуини барпо этиш, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир. Умуман, ўтган йили хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Ўтган йилнинг яна бир хусусияти бу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғлиқдир. Чунончи, 2001 йилда кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилди. Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес суюъктларига берилган кредитлар ҳажми 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Тадбиркор ва фермерларга 27 миллиард сўмдан зиёд миқдорда микрокредитлар берилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 24,5 фоизни ташкил этгани ушбу соҳа ривожланаётганидан далолатдир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. 2001 йилда 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ўтган йили 52 та қишлоқ хўжалик корхонаси негизида танлов асосида 3 минг 400 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Шунингдек, хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгармоқда. Барча қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб борилмоқда. 2001 йилда қишлоқ хўжалигининг замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминот тизими жорий қилиниши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди.

2001 йили ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ички валюта бозори анча мустаҳкамланиб, унда амалга ошириладиган барча операциялар ва механизмлар тизими сезиларли равишда ўзгарди. Банклараро валюта савдоси сессиялари ташкил этилиб, республика валюта фонди тугатилди. Хулоса қилиб айтганда, ўтган йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди.

Юртбошимизнинг маърузасида 2002 йилда асосий эътиборни қаратишимиз зарур бўлган устувор вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг таъкидлашича, биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш энг муҳим стратегик вазифа саналади.

2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлади. Жорий йилда пахта тозалаш, кимё ва мебель саноати, энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик каби тармоқларни монополиядан чиқариш бўйича бошланган ишлар мантиқий ниҳоясига етказилиб, рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилади.

2002 йилда солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ қилиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият берилиши алоҳида уқтириб ўтилди. 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастури амалга оширилади. Болалар ва оналар соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янада кучайтирилади.

Юртбошимиз ўз нутқида, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган баъзи бир камчиликлар, нуқсонлар ва муаммолар ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Аввало, экин экиладиган ерлардан, суғориш, ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақидаги мулоҳазаларини билдирди. Мисол учун, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ердан фойдаланишда хўжасизлик, ўзбошимчалик ҳолатлари, ерни қонунсиз равишда эгалла олиш ҳоллари учраб турганлиги танқид қилинди. Айниқса, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа вилоятларда ердан хўжасизларча фойдаланиш, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари содир бўлмоқда.

Ўтган йили республика бўйича 41 минг 500 гектар эллик майдонидан ер тўғрисидаги қонунчилик талаьларини бузган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари содир этилган. Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 2 минг гектар ерга қонунга хилоф равишда ерёнғоқ, шоли, полиз ва бошқа экинлар экилган.

2001 йилдаги сув тақчиллиги шароитида Навоий вилоятида 60, Наманган вилоятида 2 минг 300, Самарқанд вилоятида 160, Фарғона вилоятида 1 минг 900 гектар ерга ўзбошимчалик билан шоли экилиши натижасида 156 миллион куб метр суғоришга мўлжалланган сув белгиланган лимитдан ортиқча ишлатилган.

Шунингдек, маърузада ичимлик суви, энергетика ресурслари, электр энергиясидан фойдаланиш жараёни таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш йўллари кўрсатилди. Масалан, ўтган йили Республика бўйича 12 мингдан ортиқ теплица қонунга зид равишда газ билан таъминланган. Уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш иши ҳам қониқарсиз аҳволда.

Йиғилишда молиявий ресурсларни тежаш, берилган кредитларни ўз вақтида қайтариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг нутқида хусусий секторни янада ривожлантириш энг долзарб масалалардан бири эканлиги уқтириб ўтилди ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, маърузада фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, улар манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли механизмларни ишлаб чиқиш, бу борадаги сунъий тўсиқларга барҳам бериш, ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш, фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Маърузада кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиш ҳолати ҳам чуқур таҳлил этилиб, бу борадаги камчиликлар холисона кўрсатилди.

Куни кеча матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг "2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор моҳият-эътибори билан Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил якунлари ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда юртбошимизнинг маърузасида кўтарилган масалалар ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

ТАҲРИРИЯТ

РЕФЕРЕНДУМ – ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

Конституциямизда ҳар бир фуқаро давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши белгиланган. Бундай иштирок этиш референдумлар ўтказиш орқали ҳам рўёбга чиқарилади. Референдум — халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминловчи олий даражадаги демократиянинг шаклидир.

Шу йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми давлатчилигимиз асосларини янада мустаҳкамлашда тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик йилларида давлатчилигимизнинг кенг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса, ўтказилган референдумлар эса уни бошқариш асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Ўтказилган бу референдум бугунги давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосни яратди.

Халқнинг қабул қилган бу қарори Конституциямиз ва тармоқ қонунларига қатор тегишли ўзгартишлар киритиш, бу орқали эса ҳар биримизнинг қонунлар муҳокамасида кенгроқ қатнашиш орқали сиёсий ва ҳуқуқий дунёқарашимизнинг янада юксалишига олиб келади. Референдум халқимизнинг шарқона ва миллий хусусиятларга эга бўлган сиёсий қарашлари шаклланганини, ижтимоий фаоллиги янада ошганини, миллий қадриятларимиз демократиянинг барча қирралари билан уйғунлашганини кўрсатди.

Кузатишимизча, демократияни байроқ қилиб кўрсатадиган кўпгина мамлакатларда ҳам референдум бизнинг давлатимизнинг шаклланиб улгурган, дунё тажрибасида ўзига хос қирралари билан ажралиб турадиган шаклда ўтказилмаган. Масалан, референдум куни эрталаб соат 6 дан тушга қадар аксарият фуқароларимиз ўз овозларини бериб улгургани референдумни ўтган деб ҳисоблашга асос бўлди. Таққослайдиган бўлсак, дунёнинг ривожланган айрим мамлакатлари қонунчилигида референдумда қатнашишдан бош тортганлик учун жавобгарлик тартиби, фуқароларга жарима солиш каби қоидалар ҳам белгиланган. Яъни референдумда қатнашиш фуқароларнинг овоз бериш (ёки сайлов) ҳуқуқи ва эркинлиги қонун даражасида белгиланган бўлса-да, лекин унга қатнашишга мажбур этишлик ҳоллари ҳам мавжуд.

Мустақилликнинг бугунги кишиси фуқаро сифатида шу Ватанга кераклиги, унинг истиқболи ва келажаги ўзига ҳар жиҳатдан боғлиқлигини яхши англаб етди. Референдум халқимиздаги ана шу хислатларни яна бир марта юзага чиқарди. Халқимиз давлат ва жамият бошқаруви соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларни яхши хабардор эканлиги, унга бефарқ эмаслиги, балки ислоҳотларни янада чуқурлаштириш кераклиги тўғрисида ўзининг хоҳиш-иродасини ошкор айтди.

Бундай қараганда референдум ўтказиш ҳар қандай давлат халқининг ҳам қўлидан келавермайди. Референдум ўтказган мамлакат дунё ҳамжамиятида яна бир синовдан ўтади, халқининг сиёсий онги қай даражада эканлигини намойиш этади.

Референдумга айрим мамлакат ёки ташкилотлар ўз кузатувчиларини юбормаганлиги, аввало, уларнинг ўзи демократик жараёнларга шубҳа билан қараш, тирноқ остидан кир қидириш кайфиятида эканлигини кўрсатади. Кузатувчилар қайси жойдан келди-ю, қайси жойдан келмади, бунинг халқимиз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ҳар қандай сиёсий тадбир уни ўтказишдан кўзланган мақсад билан эмас, балки унинг натижасида олинган хулоса билан баҳоланмоғи лозим. Референдумдаги масалалар бир гуруҳ кишилар, сиёсий партиялар ёки кимларнингдир манфаатига қаратилган бўлмай, балки у бевосита халқнинг ўзига тегишлидир. Халқ ўз манфаати, келажаги ва истиқболи учун овоз беришга чиқди.

Ўзбекистон халқи дунё ҳамжамияти олдида тўс-тўполонсиз, урйиқитларсиз, тарафкашликсиз ҳам демократик тамойилларни жорий этиш, уни амалда шарқона босиқлик, тотувлик ва бағрикенглик билан киритиш мумкинлигини кўрсатди. Референдум ташқи куч ва ташқи таъсирларсиз ҳам ҳар қандай масалани ўзимиз ҳал эта олишимиз мумкинлигини яна бир бор тасдиқлади.

Демократия кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси, демократик тадбирлар натижаси эса барча учун бажарилиши мажбурий бўлган яшаш нормасидир. Ўзбекистон халқи референдумда қабул қилган қарори билан давлатга катта мажбурият юклади. Бу мажбурият мавжуд соҳа қонунларини қайта кўриб чиқиш, давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат ва жамият бошқарувида халқнинг бевосита ёки вакиллари орқали иштирокининг мазмунан янги бошқарувга ўтишини тақозо этади. Референдум натижасида давлат ҳокимият органларининг барча тармоқларини янада такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди. Энг катта вазифалардан бири эса бу икки палатали парламентга ўтишдир. Бугун мамлакатда сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, халқимизнинг тафаккури юқорилиги икки палатали парламентга ўтиш, барча сиёсий кучлар, сиёсий партиялар, минтақалар вакилларини бирлаштириш имконини беради.

Шунингдек, икки палатали парламент ижро ҳокимиятини назоратга олиш, уни муҳим дастурлар ишлаб чиқишга йўналтириб туради. Бир палатали парламентдан фарқ қилиб, турли тузилма вакиллари вазирлар, ҳокимлар, давлат органлари вакиллари палаталарга кирган ҳолда мустақил фаолият юритадилар. Бу эса мавжуд кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Президентлик ваколатининг парламент ваколати, суд ҳокимияти билан турли муддатларда ўрнатилиши ҳам ҳокимиятлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва улар мустақиллигини таъминлайди. Давлат органлари ва бошқа тузилмаларнинг сайловлар билан боғлиқ давр, кадрлар танлаш жараёни, тегишли дастурлар ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этишдаги юзага келадиган бўшлиқни тўлдириб беради.

Бўлиб ўтган референдум давлатчилигимиз тарихида демократиянинг ўзига хос мактаби бўлиб қолади. Референдум тараққиётимизнинг янги босқичи йўлини кўрсатиб берди.

Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлари номзоди

СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий — техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментида ижро ишини юритиш тартиби ва суд ижрочилари фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда суд тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган қарори билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилгани қайд этилди.

Мазкур қарор билан департамент зиммасига суд ва бошқа органлар қарорларининг сўзсиз ижро этилиши, бу борада фаолият кўрсатувчи кадрларни танлаш ҳамда уларнинг самарали иш юритишини таъминлаш вазифаси юкланди.

ЎзА мухбири адлия вазирининг ўринбосари, департамент директори Эркин Қудратовдан департаментнинг бу борада қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Қабул қилинган суд қарорлари ёки бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўлиқ бажарилсагина давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси тўлиқ таъминланади, — деди Эркин Қудратов. — Зеро, суд қарори ижроси билан кучлидир.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун жорий йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилгани муносабати билан суд ижрочилари жиноят ва фуқаролик ишлари ҳамда хўжалик судларидан ажратилиб, суд ижрочиларининг туман ва шаҳар бўлинмалари сифатида шакллантирилди.

Қонунга мувофиқ суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш департаментнинг ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари зиммасига юклатилди. Айтиш жоизки, мазкур Қонун қабул қилингунга қадар суд ҳужжатларини ижро этиш 1963 йилги Гражданлик процессуал кодекси нормалари асосида амалга оширилар, суд ижрочиси мақомини белгиловчи қонуннинг ўзи йўқ эди. Эндиликда суд ижрочилари суд тизимидан ажраган ҳолда яхлит тармоқ сифатида нафақат суд ҳужжатлари, балки бошқа органлар ҳужжатлари ҳам ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Қонунда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг умумий қоидалари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан ижро ҳаракатларининг таъминланиши, чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари, мажбурий ижрони амалга ошириш асоси ва чоралари, ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш, қарздор бўлган юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш, ижрони қарздорнинг иш ҳақига қаратиш тартиби, ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик, суд ижрочисининг мақоми ва бошқа ижро иши билан боғлиқ ҳолатлар аниқ белгилаб берилди.

Эндиликда суд ижрочиси мазкур қонунга асосланиб, ўз номидан мустақил равишда, ижро ҳаракатини амалга оширишда қарорлар қабул қилиш, агар бу қарорлар тарафлар ва бошқа шахсларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, тегишли қарор чиқариш ваколатига эга.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун қарздорга кўпи билан беш кун муддат белгилайди. Агарда қарздор белгиланган муддат ичида қўйилган талабни ихтиёрий равишда узрсиз бажармаса, суд ижрочиси жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солиб, ижрони мажбурий тарзда амалга оширади.

Қонун нормаларининг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида департамент томонидан 2001 йилда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда фаолият кўрсатаётган суд ижрочиларининг ихтиёрига келиб тушган 375 мингдан зиёд ижро ҳужжатидан 301 минг 586 тасининг ижроси тўлиқ якунланди.

Бир сўз билан айтганда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишдаги муҳим ва асосий қадамлардан бири бўлди. Зеро, унинг вазифаси суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлаш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Газетхон сўровига биноан

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ!

"Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ўтган йилнинг 1 декабридан республикамиз ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сарҳадларга яқин аҳоли пунктларига бориши, келиши ва вақтинча истиқомат қилишига оид янги тартиб жорий этилди. Шу муносабат билан мухбиримиз Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи Одил Матрасуловга мурожаат қилди.

— Аввало, маданий дунё талабларига мувофиқ жорий этилаётган янги тартиб-қоидаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Янгича тартиб-қоидаларга мувофиқ фуқаролар ўзларининг қўшни давлатлар чегараларига туташ жойларда истиқомат қилаётган қариндош-яқинлари ҳузурига, ҳамма учун умумий саналган қадамжо зиёратгоҳлар, тўй-маърака, маросимларга бешкунлик муддат билан визасиз ва текин ҳолда бориб-келишлари мумкин. Шунингдек, бошқа давлатлар ҳудудидаги соғломлаштириш ва дам олиш муассасаларига борувчилар ҳам шундай ҳуқуқдан фойдаланадилар. Юқоридаги ҳолатларда белгиланган муддатдан узоқ чўзиладиган сафарлар учун эса албатта виза расмийлаштирилади. Муайян мамлакатнинг бошқа давлат ҳудудида жойлашган корхона-ташкилотлари ва бошқа хизмат муассасаларига иш юзасидан бориб-келувчи, қатнаб ишловчиларга ҳам визасиз ҳаракатланиш ҳуқуқи берилган.

Маҳкамамизга мурожаат қилаётган фуқароларнинг аксариятини виза учун тўпланадиган консуллик хизмати ҳақи миқёслари қизиқтиради. **"Давлат чегараси тўғрисида"**ги Қонун талабларига мувофиқ ва томонлар ўртасидаги ўзаро битим ва келишувларга асосан фан, техника, таълим, маданият, санъат, спортга тааллуқли турли тадбирлар, маросимлар, хизмат юмушларига борувчи-келувчилар тўлов мажбуриятларидан озод қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрел қарорида чет фуқароларнинг мамлакатимизда бўлиш муҳлатлари ва консуллик тўлови миқдорлари белгилаб берилган. Унга мувофиқ республикамиз доимий яшаш ниятини кўзлаб келувчи МДҲ мамлакатлари фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган кишилар даставвал 6 ойлик муддат билан вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун 5 АҚШ доллари ҳажмида консуллик хизмат ҳақини тўлайдилар. Башарти яшаш муддати 6 ойдан зиёдга чўзилса, хизмат ҳақи ҳам унга мутаносиб равишда оширилади ва тўлов миқдори 10 АҚШ долларини ташкил этади. Чет эл фуқароларининг мамлакатимизда доимий яшашга доир ҳужжатларини кўриб чиқиш ва расмийлаштириш учун 50 АҚШ доллари миқдорида давлат божи ундирилади.

— Турли сабабларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган ва турмуш тақозоси билан ватанига қайтишни ихтиёр этаётганлар ҳам оз эмас. "Инсон ва қонун" газетасининг вилоятимиздаги мухбирлик пунктига мурожаат қилган фуқароларнинг айримларини айнан шу масала ва унинг ечимлари қизиқтиради.

— Амалдаги қонун-қоидаларга кўра мамлакатимиз сарҳадлари ўзининг азалий ватанига қайтишни астойдил истаётганлар учун доимо очиқ. Ўзбекистон Республикасининг **"Фуқаролик ҳақида"**ги Қонуни, Президентимизнинг 1999 йил 26 феврал Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили чиқарган 178-сонли қарорлари билан танишган киши шу ва шу каби саволларга аниқ жавоб топа олади. Ушбу ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда қайд этилишича, фуқаронинг мамлакатимизга келиш сабаблари ўрганиб чиқилади. Шу ўринда юқорида қайд этилган қонун ва қонуности ҳужжатлари мамлакатимизга 1992 йилнинг 28 июлидан сўнг кириб келган шахсларнинг фуқаролик мақомига дахлдорлигини алоҳида эслатмоқ зарур.

Даставвал, фуқаролик мақоми ҳақида: башарти, мамлакатимиз ҳудудига яшаш учун келаётган киши ўз мақомини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим эта олмаса, у фуқаролиги бўлмаган (бирон-бир давлатнинг фуқароси сифатида тан олинмаган бўлса) шахс сифатида эътироф этилади ва шу мақомдаги фуқаролар учун жорий этилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Журналист суриштируви

ҒАРАЗГЎЙЛИК

У ТУФАЙЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТУГАТИЛДИ

Бўзлик тадбиркор Одилжон ота Тошбоевнинг ота-боболари ҳам, ўзи ҳам деҳқон ўтган. Улар бутун умрини ер билан тиллашиб, яратувчилик меҳнати, ўз қўли билан маҳсулот етиштиришга бағишлаган.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ота деҳқонга берилган эркинликдан фойдаланиб, барча ўғил-қизлари-ю, келин-куёвларини қабатига олиб, фермер хўжалигини ташкил этди. Аста-секин қийинчилик билан бўлса-да, хўжалигини оёққа турғизди. Топган даромадига керакли техника воситаларини сотиб олди. Трактор, омач, комбайн каби қишлоқ хўжалиги техникалари ўзидан ортганда, улардан шу атрофдаги ширкат хўжаликлари фойдаланадиган бўлди. Ҳатто айрим хўжаликлар унинг техникасини ишлатиб, қарздор ҳам бўлиб қолди.

Тиниб-тинчимас Одилжон ота тадбиркорлик янада фаолиятини кенгайтирди. Дўкон очди, бир неча обжувоз-тегирмон, чорва ҳайвонлари учун озуқа тайёрлайдиган цех қурди. Ширкат хўжалигидаги эски боғча биносини сотиб олиб, унинг атрофини боққа айлантирди. Бинони эса таъмирлашга киришди. Унинг ёнида новвойлик ва дурадгорлик цехларини очди. Таъмирдан чиқаётган икки қаватли бинода қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик завод ёки хусусий шифохона очишни режалаштирди. Булар билан ҳам қаноатланмай, ўзи деҳқончилик қилаётган 15 гектар ер майдонининг атрофига терак, олма каби мевали дарахтлар экди. Хуллас, тадбиркорликка астойдил киришган фермернинг ишлари бундан ҳам ривож топиб кетиши мумкин эди. Аммо 2000 йил 4 октябр куни Бўз тумани ҳокими Жўрабек Ўринбоев тўсатдан “Одилжон Тошбоев номидаги фермер хўжалиги фаолиятини тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарорга фермер хўжалиги аъзоларининг 2000 йил 19 март куни 3-сонли умумий йиғилиш қарори, Бобур номидаги ширкат хўжалиги бошқарувининг 2000 йил 31 март куни кенгайтирилган ҳайъат йиғилишининг 4-сонли қарори ҳамда туман ҳокимлиги қошидаги фермер хўжалигини ташкил этиш ва тугатиш комиссиясининг тавсияси асос қилиб олинган эди. Ушбу қарор фермер хўжалигини ноқонуний тарзда давлат рўйхатидан чиқаришга асос бўлди. Бундан норози бўлган фермерни тинчлантириш учун оила пудратчисига айлантириб қўйишди. Ўтган йили кузда эса уни пудратчиликдан ҳам маҳрум этишди.

> ***Фермерлар-аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришга имоним комил.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Ердан айрилган, ижара пудрати ҳам бекор бўлган фермер ёрдам сўраб мутасадди идораларига мурожаат қилди.

Адлия вазирлигининг топшириғига биноан Андижон вилоят адлия бошқармаси ушбу масалага доир текшириш ўтказди. Текширишда туман ҳокимининг қарорида кўрсатилган фермер хўжалиги аъзоларининг 2000 йил 19 март куни 3-сонли умумий йиғилиши амалда ўтказилмагани маълум бўлди. Ўтказилмаган йиғилишни ўтказилди деб сохта қарор чиқарган ҳоким.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси ва Фуқаролик Кодексининг 53-моддаси 2-қисмида кўрсатилган талабларни қўпол тарзда бузган. Бундан ташқари юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати амалдаги қонунчилик талабига кўра давлат рўйхатидан ўтказувчи органга берилмаган. Қолаверса, Фуқаролик Кодексининг 54,-55,-56-моддалари ва **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги Қонуннинг 33-моддасига биноан деҳқон-фермер хўжалигини тугатиш тартибида уларни дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, балансидаги мол-мулкларнинг тақдири ҳал этилмасдан туриб давлат реестридан чиқариб юбориш ман этилган.

Иккинчидан, Бобур номидаги ширкат хўжалиги билан фермер хўжалиги бошлиғи Одилжон ота ўртасида 1998 йил 12 ноябр куни тузилган шартномага кўра, 7-бригада ҳудудидаги 15 гектар ер майдони фермер хўжалигига 20 йил муддатга ижарага берилгани ва шартноманинг амал қилиш муддати 2018 йилнинг 12 ноябригача деб белгиланган боис ширкат хўжалиги ҳокимнинг қарорига асосланиб, ерни қайтариб олишга ваколати йўқ эди.

Шундай бўлса-да, мансабдорлар фермернинг қўлини ишдан совутишга бел боғлашди. Унга тегишли бўлган дала атрофидаги олма дарахтлари ширкат хўжалиги томонидан ўзбошимчалик билан кесиб ташланди.

Шу ўринда яна бир ҳолатни баён этсак. Бу орада оила пудратчиси бўлиб ишлаётган Одилжон ота Тошбоев ижарачи сифатида 2000 йил давомида етиштирилган маҳсулотнинг ҳақини икки йил давомида ололмагач, ширкат хўжалигидан ҳақини ундириб бериш ҳақида Бўз туман фуқаролик судига вилоят адлиячилари орқали ариза берди. Иш судда кўрилиб, унинг қарори билан О.Тошбоевга 4 миллион 450 минг 600 сўм ундириб берилди. Ҳақини таниган ижарачи яна раҳбарларга ёқмай қолди.

Охир-оқибат, тадбиркор Одилжон Тошбоевнинг фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш, фермерга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси Бўз туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўриб чиқилди.

Судга жавобгар сифатида чақирилган туман ҳокими Жўрабек Уринбоев ташриф буюришни ўзига эп кўрмади. Ўрнига ҳокимликнинг қонуний вакил ҳисобланмиш адвокат Абдуқаҳҳор Усмонов иштирок этди. У шу куни ҳокимлик ва ширкат хўжалиги номидан даъво ариза қўзғатди. Эмишки, фермер хўжалиги қонун талабларини бузиб, уч йил давомида режаларни бажармаган, ердан оқилона фойдаланмаган — унга минерал ўғит солмаган, ер атрофидаги ариқзовур тозаланмаган...

Очиғи, фермер хўжалигининг ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин у 1997 йилда 4 тонна гўшт, 8 тонна сут, 13 тонна буғдой, 1998 йил 6,3 тонна сут, 1999 йилда 4,9 тонна пахта, етиштирган буғдой режасини тўлиқ бажарган. Оила пудратида яхши ишлаб, яхши ҳосил олганидан 4 миллион 520 минг 600 сўм ҳақини суд орқали ундириб олган. Ўтган йилги ҳақини эса ҳали ололгани йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилади: нега энди бу қарши даъво ариза айнан суд вақтида қўзғатилди? Ахир, уч йил давомида фермер хўжалиги шартнома шартларини бажармаган бўлса, нима учун ширкат хўжалиги ёки ҳокимлик уни тугатиш ҳақида қонуний асосда хўжалик судига даъво ариза киритмаган? 1999 йилдан буён нега уч йил давомида сукут сақланди? Аслида мақсад нима, фермер хўжалигини ривожланишига кўмаклашишми ёки тугатиб, йўқотишми? Бу саволларга ҳозирча жавоб йўқ.

Энг ажабланарлиси, ҳокимлик йўл қўйган ҳуқуқий саводсизликни судья Махмуджон Қаҳрамонов ҳам давом эттирди. У баён этилган ҳолатларни инобатга олмай, вилоят адлия бошқармасининг даъво аризасини рад этди. Бўз туман ҳокимининг фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги даъво аризаси ва ширкат хўжалиги раиси Адашали Олимовнинг фермер хўжалигига қарши даъво аризасини қаноатлантириб, фермер хўжалигини тугатди. Суд энди ер майдонини ижарага бериш ҳақидаги шартномани ҳам бекор қилиб, ерни ширкат хўжалиги тасарруфига қайтарди.

Шу тариқа ўн йил фермер хўжалигини юритган, оила пудрати асосида ўз қўли билан махслот етиштирган тадбиркор Одилжон ота Тошбоев ерсиз қолди. Унинг орқасидан 25 нафар аъзо ҳам иш жойдан айрилди.

Энди яна бир мулоҳазани айтиб ўтсак. Одилжон Тошбоевнинг аризалари текширилиб, қонуннинг бузилгани ва фермер хўжалиги ноқонуний тугатилгани ҳақидаги вилоят адлия бошқармасининг 2001 йил 24 июндаги 11-сонли тақдимномасига туман ҳокими қонунчиликда кўзда тутилган 15 кун муддат тугул тўрт ой ичида ҳам бирор муносабат билдириб, жавоб беришни ўзига эп кўрмади. Вилоят адлия бошқармаси 2001 йил 30 октябр куни жаноб ҳокимга яна эслатма жўнатди. Шунда ҳам у пинагини бузиб қўймади. Аслида у 3 кунлик муддат ичида жавоб беришлиги, акс ҳолда тегишли судга даъво ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилган эди. Суд жараёнида адвокат ҳоким фермер хўжалиги фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилганини айтиб қолди. Ҳолбуки, 23 ноябр куни қабул қилинган 307-Қ сонли бу қарордан даъвогар адлия бошқармасининг хабари йўқ эди. Бу қарорда адлия бошқармасининг тақдимномасига бир оғиз ҳам муносабат билдирилмаган. Унинг биринчи бандида фермер хўжалигини давлат рўйхатига тиклаш масаласини номаълум комиссияга юклатилгани айтилган. 6-бандида эса ширкат хўжалиги (раҳбари А.Алимов)га фермер хўжалиги томонидан режа-топшириқлар сурункали бажарилмаганлиги ҳолати тасдиқланган тақдирда шартномани бекор қилиш учун уни умумий йиғилишга ҳавола этиб, натижаси ҳақида хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат этиш мажбурияти юклатилсин”, деб ёзилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳокимиятдагиларни мақсади фермерга ёрдам бериш эмас, аксинча уни тугатишдир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда истиқлол қалдирғочлари бўлган фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётган, ҳимоя қилинаётган бир пайтда Бўз туманида ана шундай ғайриқонуний ишлар содир этилмоқда. Уйлаймизки, вилоят адлия бошқармасининг даъво аризасини қайтадан кўриб чиқилиб, иш адолатли ечимини топади, фермер манфаатлари ҳимоя қилинади, ғаразгўйлик эмас, қонун устуворлиги таъминланади.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
“Инсон ва қонун”нинг махсус мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Фермерлик фаолиятининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳаммага маълум. Шундай бўлса-да, айрим жойларда бу борада кўплаб муаммолар мавжуд. Ушбу мақолада тилга олинган воқеа ҳам шундай муаммолар сирасига киради. Таҳририят газета холис минбар эканини таъкидлаган ҳолда бир томоннинг фикрига иккинчи тарафнинг мулоҳазаларини жавоб тарзида ёритишга ҳар доим тайёр эканини билдиради.

Демак, мутасаддиларнинг бу борадаги муносабатини кутиб қоламиз.

Бугуннинг гапи

НОХОЛИС РАҚОБАТ

ҚОНУН БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Ҳар бир рақобат ҳалол, холис ва беғараз бўлса, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарасини беради, тараққиётнинг муҳим омилига айланмай қолмайди. Нохолис, ғаразли рақобат эса, энг аввало, қонунбузилиши, сўнг турли хил асаббузарлик ва дилхираликка сабаб бўлади. Буни қуйида фикр юритиладиган бир воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Самарқанд шаҳридаги “Бухгалтерия назорати” ва Каттақўрғон туманидаги “Сам-Мадад-Таҳлил” аудиторлик фирмалари вилоятдаги бир талай жамоа, ширкат хўжаликлари билан аудит текшируви ўтказиш тўғрисида шартнома тузишган. Масалан, Нарпай туманидаги 14 та хўжалик “Бухгалтерия назорати” аудит тафтиш фирмаси билан 1997-1998 йилларда шартномани беш йил муддатга имзолашган. Шартномага кўра, Навоий номидаги, “Оқ олтин”, “Ўзбекистон”, “Ҳақиқат”, Б.Содиқов номидаги, “Олтин булоқ” хўжаликлари ҳар бири 50 минг сўмдан, Бобур номидаги агрофирма 60 минг сўм миқдорида аудиторлик фирмаси ҳисоб-китоб рақамига хизмат ҳақи учун пул кўчиришган. Уларнинг “Бухгалтерия назорати” аудит фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб берган жами пуллари 360 минг сўмни ташкил этган.

Иш бир зайлда, силлиқ кетаётган эди. Ўртага “Самагротафтиш” аудиторлик шўъба корхонаси суқулиб кирдию, ҳаммаси тескари кетди. “Самагротафтиш” Пахтачи туманидаги 13 та ширкат хўжалиги ва 1 та агросаноат корхонаси билан 1999 йилда 2000 йил учун, Нарпай туманида эса 14 та хўжалик билан 2000 йилда 2000 ва 2001 йиллар мобайнида аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида бошқалар билан ҳуқуқий ҳужжатни расмийлаштирган бўлса-да, мажбурий тарзда шартнома тузди. 2001 йилнинг ёзига келиб, “Самагротафтиш” аудиторлик шўъба корхонаси номи “Турон таҳлил” деб ўзгартирилди. Ворис аудит фирма юқоридаги туманларда яна янгидан аудит текшируви ўтказиш бўйича хўжаликларнинг розилигисиз шартнома тузиб чиқди.

“Сам-Мадад-Таҳлил” аудиторлик фирмаси билан Каттақўрғон туманидаги Р.Исломова номидаги жамоа хўжалиги ўртасида 2001 йилнинг 1 декабрида белгиланган тартибда аудит текшируви ўтказиш тўғрисида шартнома тузилган. Бироқ “Турон таҳлил” чаққонлик қилиб, отни эртароқ қамчилаган ва аудит текширувни амалга оширган. “Турон таҳлил” мазкур жамоа хўжалигида аудит текшируви ўтказишга 2000 йил 28 декабрда тузилган шартномани рўкач қилади. Шартнома эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодексининг 107-моддаси талабларига зид равишда тузилган. Бундай дейишимизга сабаб аудитор ташкилот раҳбари А.Тошпўлатов билан ўшанда хўжалик бошқаруви раиси М.Холов эмас, балки бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи М.Шерматов аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномага имзо чеккан.

Мусурмон Шерматов тушунтириш хатида ёзиб маълум қилишича, агар у шартномага қўл қўймаган тақдирда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси орқали тазйиқ ўтказилиши тўғрисида аудиторлик ташкилоти раҳбарлари томонидан огоҳлантирилган эмиш. Маълумки, бундай ҳолда Фуқаролик Кодексининг 122-моддасига кўра, тузилган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Энди “Турон таҳлил” билан Р.Исломова номидаги жамоа хўжалиги ўртасидаги аудит текширув шартномасининг давоми қандай ниҳоясига етганига тўхталиш лозим. Аудит ташкилотнинг янги раҳбари А.Розиқов А.Тошпўлатовдан кейин тизгинни қўлга олган эди. У 2001 йилнинг 20 декабрида 164-рақамли буйруқни тайёрлади. Буйруққа асосан ўттиз кун муддатга аудитор мутахассис З.Назаров хўжаликда тафтиш ўтказишга жўнатилди. Хўжалик бошқарувининг норозилиги ҳисобга олинмади.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”-ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасида “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади” дейилган. 5-моддада эса “Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас”лиги қайд этилган. Аммо вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси собиқ бошлиғи имзоси билан туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларига тубандаги хат жўнатилган:

“Сизларга Ўзбекистон Республикаси “Агротаҳлил” аудит компаниясининг вилоятимиздаги “Самагротафтиш” (“Турон таҳлил” - таъкид бизники) аудиторлик шўъба корхонаси билан шартнома асосида тизимдаги барча корхона, ширкат хўжаликлари ва ташкилотларда аудит текширувини ўтказишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз ва тавсия этамиз”.

“Турон таҳлил”нинг ҳаволаниб кетгани, хўжаликлар билан мажбурий тарзда шартномалар тузаётгани, буюртмачилар норозилигига беписанд қараганлигининг сабаби шу билан изоҳланмайдими?!. Ҳолбуки, Конституция ва қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлатда ҳеч кимга қонунларда кўзда тутилмаган имтиёз ёки ваколат берилмайди. “Турон таҳлил” ҳам амалдаги **“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”**ги Қонундан четга чиқишга сира ҳаққи йўқ. Бироқ мазкур аудит фирма ана шу қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган буюртмачининг “аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш” ҳуқуқини чеклаганини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Бунисиҳали ҳолва. Қонунни менсимаслик шу даражага етганки, Пахтачи ва Нарпай туманлари хўжаликларида аудиторлик ташкилоти раҳбари А.Тошпўлатов бир томон, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси собиқ бошлиғи ҳамда туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иккинчи томон бўлиб, имзо ва муҳр билан аудит текшируви ўтказиш учун жадвални тасдиқлаганлар.

Адлия бошқармаси ўтган йилнинг 20 июлида “Турон таҳлил” аудиторлик шўъба корхонаси раҳбари А.Тошпўлатов номига келгусида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя этиш тўғрисида ёзма огоҳлантириш, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси собиқ бошлиғи номига қонун талабларини бузишга қаратилган ҳаракатларни тўхтатиш зарурлиги ҳақида тақдимнома киритган эди. Афсуски, бундан тўғри хулоса чиқариб олинмади. “Турон таҳлил” аудиторлик фирмаси томонидан қонун бузилишларига ҳануз йўл қўйиб келинмоқда.

Адлия бошқармаси қонуннинг 13 ва 14-моддалари талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини аниқлаб, фирма раҳбари А.Розиқов номига тақдимнома киритди. Бу галги тақдимноманинг ижроси мажбурий. Уни таъминламаган мансабдор шахснинг жавобгарлиги масаласи суд орқали ҳал этилади. Эҳтимол, нохолис рақобат судлашишгача етиб бормас. Бунисини келажак кўрсатади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Инсон ва қонун”нинг махсус мухбири

Ҳуқуқий саводхонлик сари

СИНОВ ШАРТИ

Айрим корхона, муассаса ва ташкилотларда ходимни ишга қабул қилиш вақтида унга дастлабки синов қўйиш ҳоллари мавжуд. Бу ҳолат қонунда ўз ифодасини топганми?

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 84,85-моддаларида Меҳнат шартномасини қуйидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузиш мумкинлиги белгиланган:

1. Ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш.
2. Ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, 6 (олти) ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда, дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошмаслиги керак. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходимнинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга “Меҳнат тўғрисида”ги Қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади, холос.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолат — ходимни ишга қабул қилиш вақтида синов муддати бериш шарт-шароитларига амал қилинганда кўплаб фуқароларнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларига путур етказилмаган бўлади.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Баъзида ходимнинг малакасизлиги ёки ташкилот раҳбарининг ходимга нисбатан адолатсизлиги (масалан, шахсий ғараз, таъмагирлик ва бошқа ниятлар) натижасида ёхуд бошқа турли сабаблар билан ходим бошқа ишга ўтказилади. Кейинги вақтларда бу ҳолат жуда кўплаб ташкилотлар, ҳатто ширкат хўжаликларида идора раҳбарлари томонидан содир қилинмоқда.

Хўш, қайси шароитларда ходимни бошқа доимий ишга ўтказиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 92-моддасига кўра, ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга (яъни, унинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга), унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга доир ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар ходим объектив сабабларга кўра (100- модданинг 2-қисми 1,2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди), меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги бўйича ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малакали талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бундай буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Доимий бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ходимни бошқа ишга ўтказиш учун албатта унинг розилиги бўлиши ёки ходим объектив сабабларга кўра, меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириши мумкин бўлмасагина йўл қўйилади...

Т.ҚОРЁҒДИЕВ,
ҳуқуқшунос

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ!

(Боши биринчи бетда)

Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари билан виза муносабатлари мавжудлиги туфайли мазкур давлатларнинг фуқаролари рухсат муддатига қараб рўйхатга олинадилар. МДҲ фуқаролари ва фуқаролик мақомига эга бўлмаган шахслар вақтинчалик муддат билан рўйхатга олингандан сўнг доимий яшаш учун узрли сабабларни баён этган ҳолда мутасадди маҳкамаларга мурожаат қилишлари мумкин. Доимий яшаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги тегишли комиссиялар томонидан қараб чиқилади. Мазкур комиссиялар зиммасига доимий яшаш учун мурожаат қилган фуқаронинг шахсини тегишли тартибда ўрганиш ва ўз хулосаларини узил-кесил қарор чиқариш учун Республика Ички ишлар вазирлигига тақдим этиш вазифаси юклатилган. Вазирлик комиссия хулосасига асосланган ҳолда мурожаат қилган шахс номига гувоҳнома расмийлаштиради ва уни 5 йиллик муҳлат билан доимий рўйхатга олади. Кейинчалик бу муддат Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг паспорти бўйича жорий этилгна тартибда қайд этилганидек, босқичма-босқич узайтира борилади.

Шу ўринда визасиз ҳаракатланиш қоидалари давлат, жамоат вазифаларини бажараётган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган фуқаролар учун жорий этилганлиги, мустақил Ўзбекистонимиз шунга дахлдор халқаро меъёрларнинг фаол тарафдори ва иштирокчиси сифатида майдонга чиқаётганини ҳам алоҳида уқтирмоқ даркор. Умумэътироф этган ана шу халқаро меъёрларга мувофиқ фуқаро авиациясининг хорижга чиқувчи экипажи аъзолари, чет элларга қатновчи поездларнинг хизматчилари, бошқа давлатлар ҳудудлари бўйлаб ҳаракатланувчи автотранспорт воситаларини бошқарувчи шахслар, халқаро ва ҳукуматлараро алоқа тизими ходимлари, хизмат вазифаси бўйича сафарга чиққан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва чегара посбонлиги вакиллари ва улар томонидан жалб этилгна кишилар ҳам визасиз бориш-келиш ва вақтинчалик яшаш ҳуқуқига эга. Бундай бордикелди алоқалари ҳукуматлараро битимлар, мутасадди идоралар ва консуллик хизмати томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Шулардан аёнки, ўзаро ҳурмат, самимият, дўстона ва қардошлик туйғулари, замонавий дипломатия андозаларига асосланган ана шу сафарлар ҳар бир фуқаро учун қулай ва кўнгиллидир. Биз азалдан меҳмондўст халқнинг ворис ва меросхўрларимиз. Яхши ниятли меҳмонни ҳамиша бошимизга кўтарамиз. Шу фазилатлар боис ўзга юртларда ҳам мағрур бош кўтариб юрамиз. Шундай экан, хорижга чиқиш-келиш тартиб-қоидаларига амал қилганнинг сафари ҳамиша кўнгилли, бахайр, муроди эса ҳосил бўлишига кафолат берамиз.

Абдулла СОБИРОВ суҳбатлашди.

ШАРТНОМА ТУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда деҳқон-фермер ва ширкат хўжаликлари сони тобора ортиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда уларга хизмат кўрсатувчи, тайёрловчи ва таъминотчи корхоналар, машина-трактор парклари, агрокимё бирлашмалари ва бошқа замонавий янги тизимнинг пайдо бўлиши улар ўртасидаги шартнома муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришни тақоза этмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, контрактация шартномаларининг бажарилиши кўп жиҳатдан обҳаво ва табиат шароитига ҳам боғлиқ бўлса-да, шартномаларни тузишда кўпчилик бунга эътибор бермайди. Бу эса баъзида фермер, ширкат ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий инқирозга учрашишига олиб келади. Бу ўринда суғурта шартномаси муҳим аҳамиятга эга. Лекин аксарият хўжаликларда суғурта шартномалари тузилмайди, тузилса ҳам шартлари бажарилмайди.

Фикримизча, деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари, оилавий пудратчилар бозор иқтисодиёти шароитида ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси бўйича тегишли чоратадбирларни кўришлари лозим. Бунинг учун аввало, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ҳудудий бўлинмаларида хўжалик ҳисобидаги ахборотмаслаҳат гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, қонунда кўрсатилганидек, контрактация шартномаларида днҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларида давлат буюртмаси асосида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича шартномавий режалари 40 фоиздан ортиқ бажарилганда — 10 фоиз, 60 фоиздан ортиқ бажарилганда — 30 фоиз, 80 ва ундан ортиқ фоизга бажарилганда — 40 фоиз, тўла-тўкис бажарилганда 50 фоиз, шартномавий режалар белгиланганидан қанча ортиқ бажарилса (ғалла, пахта, пилла ва қоракўл теридан ташқари) шунча миқдорда бозор нарҳида эркин сотиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилиши керак. Бу эса ўз навбатида уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Холмирза МАТКАРИМОВ

“ҚИЗАРИБ ҚОЛГАН” ХЎЖАЛИК

Бувайда тумани А.Аликулов номидаги ширкат хўжалиги ўз пудратчиси Толибжон Мирзаёқубовдан бир йилда 97303 сўм қарздор бўлиб қолди. Қарз Қўқон шаҳар туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарорига кўра қайд этилгани қизиқ бўлди. Яхшиямки, Толибжон Мирзаёқубов ўн ёки йигирма гектар майдонда буғдой етиштирмагани. Мабодо пудратчи биз таъкидлаб ўтган майдонда деҳқончилик қилганда, А.Аликулов номидаги ширкат хўжалиги ўз пудратчисидан қулоғигача қарзга ботиши тайин эди. Пудрат бошлиғи Толибжон Мирзаёқубов бор йўғи 2 гектар ерда буғдой етиштирди, холос.

Албатта барча иш амалда бажарилишидан олдин бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топади. А.Алиқулов номидаги ширкат хўжалигининг раҳбар мутахассислари деҳқонга ер бериш билан бир пайтда 2000 йил 28 ноябрдаги 142-сонли шартномага ҳам имзо чектиришади. Шартномага кўра, пудратчи 2 гектар ер майдонига бошоқли дон экади. Ҳар гектардан 47 центнер, жами 9400 килограмм бошоқли дон етиштириш мажбурияти белгиланади. Тузилган шартноманинг 5.8-бандига кўра, шартномада кўрсатилган маҳсулот қийматидан 70 фоиз миқдорида иш ҳақи тўлаши, шартномадан ортиқ етиштирган маҳсулотнинг 100 фоизини натура ҳолида пудратчига бериш ёки пудратчи билан келишган ҳолда унинг қийматини бозор баҳосида тўланиши белгиланади.

Толибжон Мирзаёқубов астойдил ишлади. Кузнинг изғиринлари-ю, қиш совуқларига бардош бериб, ердан бир текис униб чиққан буғдой майсаларини парвариш қилди. Эрта баҳор экинзорни бегона ўтлардан тозалади. Натижа кўзлангандан ҳам зиёда бўлди. Режадаги 9400 килограм ўрнига 10880 килограм буғдой хирмони яратилди.

Толибжоннинг юзи ёруғ, кўнгли тўқ эди. Чунки у шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддалади. Бироқ шартнома шартлари бажарилишига келганда А.Аликулов номидаги ширкат хўжалиги раҳбарлариноҳақликка йўл қўйишди. Пудратчи буғдойзордан бор-йўғи 6 қоп, яъни 296 килограмм буғдой олиш билан чекланган эди. Пудратчи Толибжон Мирзаёқубов томонидан ёзилган даъво аризаси Қўқон шаҳар туманлараро фуқаролик судининг очиқ суд мажлисида атрофлича муҳокама этилди.

Жавобгар Бувайда тумани А.Алиқулов номидаги ширкат хўжалигининг ишончли вакили У.Деҳқонов даъвони қисман қувватлайди.

— Ҳақиқатдан ҳам Толибжон Мирзаёқубов 2 гектар ерда буғдой парваришлади, — дейди у суд мажлисида. — Режадаги 9400 килограмм буғдой ўрнига 10880 килограмм буғдой топширди. Пудратчига режадан ортиқ барча дон берилиши керак эди. Лекин биз 296 кг. буғдой бердик. Бунга сабаб хўжаликда буғдой яхши бўлмади. Толибжон Мирзаёқубов пудратидаги ортиқча донлар хўжалик режасини бажариш учун қабул қилинди. Биз пудратчига ортиқча буғдойи учун давлат харид нархидан келиб чиқиб, 38857 сўм беришни лозим топдик. Қолган қарзларни ҳам давлат харид нархида ҳисоблаб тўлаймиз.

— Суд мазкур иш юзасидан ўз қарорини қабул қилди, — дейди Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Миродил Файзиев. — Бувайда тумани деҳқон бозори маъмуриятининг 2001 йил 26 август кунидаги маълумотномасига кўра, 1 килограмм буғдой баҳоси 115 сўм эканлиги аниқланди. Пудратчи режадан ортиқча етиштирган маҳсулот учун 136160 сўм ҳақдор бўлиб чиқди. Пудратчининг ширкат хўжалигидан 38857 сўмлик манфаатдорлиги чегириб ташланди. Суд 97303 сўмни пудратчи Толибжон Мирзаёқубов фойдасига ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, ўтган йилда биргина оила пудратчиларининг манфаатларини кўзлаб вилоят адлия бошқармаси томонидан 189 та даъво аризалари вилоятдаги хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди.

1184 килограм буғдой можароси ортидаги ҳангомалар ана шундай якун топди. Шу ўринда айрим мулоҳазали фикрлар борки, уни кўпчилик билан ўртоқлашишни лозим топдик. Пудратчи Толибжон Мирзаёқубов шартномани бажарди. Аммо А.Аликулов номидаги ширкат хўжалигининг раҳбар мутахассислари ўз пудратчисини ранжитди. Эътибор беринг-а, “Алининг ҳақини Валидан ундириш” ҳали-ҳануз баъзи жойларда сақланиб қолмоқда. Қачонгача айрим жойларда баъзи раҳбарлар эскича фикрлаш, эскича ишлашда давом этишаркан?

Маъмур МУСУРМОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Таклиф, талаб, мулоҳаза

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ:

ҲАМКОРЛИК — ҲАРАКАТ МЕЗОНИ

ДАВРА СУҲБАТИ

Бугунги кунга келиб, гиёҳвандликка қарши кураш бутун дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида наркомания ва наркобизнесга қарши кураш муаммоларнинг муаммосига айлангани боис башариятнинг умумий саъй-ҳаракатини унга қарши курашга сафарбар этишга даъват этди. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини баён этиб, Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясини тузишни таклиф этди.

Президентимизнинг бу таклифи тўла қўллаб-қувватланди ва Тошкентда БМТнинг минтақавий ваколатхонаси иш юрита бошлади. Юртбошимиз бу ижтимоий хавфли иллатнинг салбий оқибатларини олдиндан кўра билди. Ва шу боис жаҳон ҳамжамиятининг бутун диққат-эътиборини унга қарши курашга қаратиш ғоясини илгари сурди. Бугина эмас, мамлакатимиз бугунги кунга келиб, бундай офатга қарши курашнинг минтақамиздаги таянч марказига айланди. Бу борада ўзига хос тажриба тўпланди. Аввало, республикамизда гиёҳванд моддаларни ноқонуний етиштириш, қайта ишлаш ва тарқатишга қарши кураш чораларини кўришнинг тўлақонли ҳуқуқий тизими шакллантирилди.

Бугун барчага аёнки, гиёҳвандлик дунё бўйлаб чуқур илдиз отди. Гарчи сўнгги йилларда бу борада сезиларли натижаларга эришилган бўлса-да, ушбу муаммо ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Хўш, мазкур муаммо халқаро миқёсда қандай ҳал қилинмоқда? Уни бартараф этиш учун ҳуқуқий асослар етарлими? Инсоннинг “оқ ажал” чангалига илиниб қолишига нима сабаб бўлаётир? Гиёҳвандликнинг туб илдизлари нимада? Бу офатга қарши курашда жамоатчиликнинг иштироки қандай? Вояга етмаганлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганларни даволаш ишлари қай аҳволда? Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноят ишларига холис баҳо беришда қонун кучидан самарали фойдаланилаяптими? Бу борада ривожланган демократик мамлакатларда қандай иш олиб борилмоқда? Бу йўлга кириб қолган фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги ишлар қониқарлими?

Таҳририят ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида ана шу масалалар хусусида мулоҳаза юритилади.

**Низомий ФАРЗАЛИЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш ахборот-таҳлил миллий маркази бош эксперти**

— Наркоманияга қарши кураш ҳозирги пайтда бутун дунё мамлакатларининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1994 йилда 30 апрелда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва уларга қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида Халқаро дастури доирасида Ўзбекистон Республикасида Наркотикларни назорат қилиш давлат комиссияси ташкил этилди. Ушбу комиссия таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 ноябрдаги “Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказини ташкил этиш ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 382-қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази тузилди.

Мазкур марказ наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича республика давлат комиссиясининг доимий ишловчи аппарати тарзида фаолият юритади. Унинг зиммасига Ўзбекистон Республикасининг наркотик моддаларни назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; гиёҳвандликнинг аҳволи, ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда наркотик моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашишни такомиллаштириш масалалари бўйича ҳукуматга, наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссиясига тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлаш; маълумотлар банкини йиғиш ва уларни шакллантириш, умумлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек, гиёҳвандликни олдини олиш ҳамда республикада ва унинг ташқарисида наркотик моддаларни назорат қилиш масалалари бўйича манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотларга, шу жумладан, халқаро ташкилотларга тегишли ахборотни белгиланган тартибда бериш юклатилган.

Миллий ахборот-таҳлил маркази бу борада муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ўтган йили марказимиз ташаббуси билан вазирлик ва идораларнинг тегишли соҳа мутахассислари иштирокида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли бир қанча ўқув юртларида, талабалар ўртасида гиёҳвандликни олдини олишга қаратилган профилактик ишларнинг олиб борилиши ўрганиб чиқилди. Тадбир якунида ўқув юртлари раҳбарлари ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни сусайтирганликлари учун вазирликда ўтказилган коллегия йиғилишида кўриб чиқилди ва тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, ушбу йўналишда уларнинг фаолияти 2001 йил декабр ойида “Наркотик моддаларни назорат қилиш”га бағишлаб ўтказилган Давлат комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилди. Бундай тадбирлар яна бир қатор тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳам ўтказилди.

Миллий марказ томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, “Ёшлар XXI асрда наркотик моддаларсиз” дастури доирасида илмий-амалий анжуман, Халқ таълими вазирлиги ва “Камолот” ёшлар ҳаракати ходимлари иштирокида ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар ва хорижий элчихона ходимлари иштирокида “Ўз келажагингни — ўзинг ўйла” деб номланган бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Миллий марказ ходимлари ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик муаммоларига бағишланган Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Туркия каби бир қатор мамлакатларда ўтказилган семинарлар ва учрашувларда қатнашдилар. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Хитой, Литва, Польша ва Исроил давлатларида “Гиёҳванд моддаларни тарқалишига қарши кураш”га бағишланган анжуманларда иштирок этишди.

Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда қатор хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро гиёҳвандликка қарши курашувчи ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Ўтган йили шу каби учрашув Россиядаги Австралия элчихонасида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасида, Германия ва Франция полицияси вакиллари, Эрон Республикаси “Гиёҳванд моддаларини назорат қилиш Олий бош қўмондонлиги”да ва бир қанча хорижий журналистлар иштирокида БМТнинг халқаро экспертлари билан Марказий Осиёда компьютер тармоқлари эркин ахборот алмашиш ва маълумотлар базасини яратиш ҳақида келишиб олинди.

Мулоҳаза учун:

****** Мамлакатимиз ҳукумати томонидан гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига ҳар йили тегишли миқдорда маблағлар ажратилади.***

****** Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2001 йилда жами бўлиб 9005 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят қайд этилган. Ўтган йили 3932 та гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш жиноятлари, 949 та таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни етиштириш фош қилинган. Бу тоифа жиноятларни содир этганликлари учун 7858 киши, шу жумладан, 282 нафар бошқа давлатлар фуқаролари жиноий жавобгарликка, 1317 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.***

**Абдужаббор ҚУРБОНОВ,
юридик фанлари номзоди**

— Гиёҳвандлик ва унга қарши кураш муаммолари бутун жаҳон миқёсидаги энг долзарб масалага айланди. Унга қарши курашнинг мураккаблиги шундаки, гиёҳвандлик воситалари турли экстремистик, террористик гуруҳларнинг иқтисодий таъминланиш манбаи бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, гиёҳванд воситалар билан муомала қилиш бир давлат ҳудудидан чиқиб, халқаро тус олди ва жаҳоннинг барча мамлакатларида жиддий муаммолигича қолмоқда.

Маълумки, гиёҳвандлик жамият ҳаётининг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий муносабатларга таъсир қилувчи салбий ижтимоий ҳодисадир. Унинг энг хавфли кўриниши гиёҳвандлик жиноятларидир.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида гиёҳвандлик жиноятига қарши курашнинг халқаро тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Чунки мазкур жиноят тури халқаро аҳамият касб этиб, гиёҳвандлик жиноятининг транснационал бўлишига олиб келмоқда.

Гиёҳвандлик жиноятларининг кенг миқёсда тарқалиши унга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини ташкил қилиш, унга қарши қатъий ҳуқуқий чораларни кўришни тақозо қилади.

Миллий давлатчиликда ва халқаро миқёсда гиёҳвандлик жиноятига қарши курашда самарадорликка эришиш учун қуйидаги талабларни амалга ошириш зарурлиги эътироф этилмоқда.

Биринчидан, халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг нуфузини тан олиш;

иккинчидан, бу жиноятни йўқотиш учун халқаро ҳуқуқ меъёрларининг миллий қонунчиликка мувофиқлаштириб, умумийликка эришиш;

учинчидан, ҳар бир давлат томонидан унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг нуфузини янада мустаҳкамлаш.

Гиёҳвандликка қарши курашда бугунги кунда хориж тажрибасини ҳам қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Польшада гиёҳвандликка қарши курашда жамоатчилик йўли билан таъсир қилиш чоралари катта ўрин эгаллайди. Бу масалани ҳал қилишда жамоат ташкилотлари ва машҳур кишилар (олимлар, артистлар, ёзувчилар, маданият арбоблари ва кенг жамоатчиликни) жалб қилинади. Польшада гиёҳвандликка қарши курашувчи алоҳида қўмита ҳам фаолият кўрсатади. Шунингдек, бу жараёнга қуролли кучларни ҳам жалб қилиш ва улардан фойдаланиш мумкин.

АҚШда армия гиёҳванд моддаларни контрабанда йўли билан ўтказишда қатновнинг техник назоратини амалга оширади. Мудофаа вазири бу йўналиш бўйича тегишли чораларни кўради. Булар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

— гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқиш манбаларини йўқ қилиш;

— контрабанданинг барча йўналишларини назоратга олиш;

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам бериш ва ҳказолар.

Озарбойжон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 августдаги “Гиёҳвандликка қарши кураш чоралари тўғрисида”ги фармонига кўра гиёҳвандликка қарши курашда мажбурлов чоралари қўлланилади. Республика Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида чегаранинг тегишли органлари ҳамда бошқа давлатлар билан шартнома тузиб, бу борадаги халқаро дастурларга қўшилишини назарда тутади.

Хуллас, гиёҳвандликка қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий меъёрларни тадқиқ қилиш, турли давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш, миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқий меъёрларни тадқиқ қилиш ва мустаҳкамлаш эришилажак

Мулоҳаза учун:

<u>* Статистик маълумотларга қараганда, 1999 йилдан 2000 йилгача гиёҳванд моддаларни сотиш, тайёрлаш, сақлаш ва олиб юриш билан боғлиқ жиноятлар 17,9 фоизга ўсган. 2001 йилда эса бу кўрсаткич 9,4 фоизга камайган.</u>

<u>* Мамлакатимизда 2000 йилда 2100 кг гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинган бўлса, 2001 йилнинг 9 ойида 4200 кг гиёҳвандлик моддаси мусодара қилинган.</u>

<u>* ЮНИСЕФ маълумотарига қараганда, 1999 йили Белоруссияда ҳар юз минг аҳолига 29,9, Россияда 40, Украинада 21,7 Қирғизистонда 15,4 киши гиёҳванд моддасини истеъмол қиларкан.</u>

<u>* Сўнгги ўн йил мобайнида юртимиз божхона хизмати ходимлари томонидан 30 тонна гиёҳвандлик воситалари, 77 тонна прекурсорлар ушланган.</u>

**Рустам АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси**

— Судда кўрилаётган мазкур тоифадаги жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу жиноятларнинг асосий қисми бошқа мамлакатлар билан алоқаси бўлган уюшган гуруҳлар томонидан содир этилмоқда. Гиёҳванд моддаларни ташиш учун кўпинча аёллар ва ўсмирлар жалб қилинаётганлиги ташвишли ҳолатдир. Шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз кишилар, ногиронлар, қариялар ва ишламайдиган фуқароларни жиноятга жалб қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Жумладан, 2000 йилда 2302 киши судланган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 1980 нафар кишини ташкил қилди. Шундан 1716 киши муқаддам судланган бўлиб, уларнинг 600 нафари илгари айнан гиёҳвандлик воситаси муомаласи билан боғлиқ жиноятларни содир этишган.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ЖКнинг 273-моддаси бўйича суд амалиётида баъзи муаммолар туғилмоқда. Масалан, мазкур модданинг 5-қисмида гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш учун жазо чорасини қўллаш кўрсатилган. Агар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгина миқдорда сотилган бўлса, бундай вазиятда масала қандай ҳал этилади?..

Бундай ҳолатларда суд амалиётидан келиб чиқиб, гарчи шахснинг сотмоқчи бўлган гиёҳвандлик воситаси озгинадан кўпроқни ташкил қилса, судланувчиларнинг қилмишини гиёҳвандлик воситларининг ҳажмига кўра ЖКнинг 273-моддасининг 1 ва 2-қисми билан таснифлаш тавсия этилмоқда.

Баъзи ҳолларда айбдор гиёҳвандлик воситаларини сотиш вақтида ушланганида, ундан тинтув вақтида ёки яшаш жойидан яна гиёҳванд моддалар топилган ҳолатларда тергов органлари томонидан унинг айбини ЖКнинг 276-моддаси билан ҳам тасниф қилинади. Аслида бундай ҳолатларда айбдорнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб, унинг айбини ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тасниф қилиш кифоя қилади.

Баъзан шахснинг сурункали равишда наркотик моддаларни истеъмол қилишга мойил эканлиги ҳақида экспертиза хулосаси мавжуд бўлса-да, бундай шахсларнинг гиёҳванд моддаларига сотмоқчи бўлганлиги ҳақида бирдан-бир далил бўлмаса-да, уларни гиёҳвандлик воситаларни сотишда айблаб, судлаш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб қолади.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг ҳукми билан Ж.Зокиров 2,1 грамм гиёҳвандлик моддасини 3 минг сўмга сотаётган вақтида ушланган, ёнидан 2 грамм “опий” гиёҳвандлик моддаси ҳам топилган. Унга ЖК 273-моддасининг 5-қисми, 276-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан жазо тайинланган. Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан Ш.Зокировнинг айбидан ЖК 276-моддасининг 2-қисми ортиқча қўлланилганлиги сабабли чиқариб ташлаган.

Шунингдек, айрим ҳолларда дастлабки суд, тергов органлари томонидан йўл қўйилган процессуал нуқсонлар, хатолар кейинги босқич судларида ҳам такрорланиб, айблов ҳукмлари чиқарилиш ҳолатлари учрайди.

Гиёҳвандликка оид содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида судлар томонидан шу тоифадаги кўрилган жиноят ишлари мунтазам равишда умумлаштирилиб келинмоқда. Чунончи, 1997-2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳар судлари томонидан 300 дан ортиқ умумлашмалар ўтказилиб, уларнинг натижаси бўйича маҳалла, корхона, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари номига тақдимномалар киритилди.

**Наталья МУРАВЬЁВА,
“Оила ва жамият” институти директори**

— Уч йилдирки, институтимиз жамоаси вояга етмаган ёшлар ўртасида таълим дастурларини олиб боради. Машғулотларимизда ёшлар атрофдаги кишилар билан қандай муомалада бўлиш, ишонч ва шерикчилик асосида муносабатлар ўрнатиш, жамоани қандай шакллантириш тўғрисидаги билим ҳамда кўникмаларни эгаллашади. Жумладан, 2000 йилдан буён ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш йўлига кириб қолган ёшларни даволаш бўйича махсус дастур юзасидан иш олиб бораяпмиз.

2000 йилда Тошкент вилоятининг мактабларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида сўровнома ўтказдик.

Институтимиз жамоаси гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган ёшларни даволаш мавзусида мунтазам равишда семинарлар ўтказиб келаяпти. Июн ойига қадар мактаб, лицей ва коллежларда, ёз ойларида эса соғломлаштириш масканларида иш олиб борамиз. 2001 йилнинг бошидан шу кунгача 105 та семинар ўтказдик. Ўқув машғулотларини Москва, Киев, Бишкек шаҳарларида махсус малака ошириб қайтган психолог, ҳуқуқшунос, врачлар олиб боришади.

Мулоҳаза учун:

****** Бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти бу иллатга қарши курашиб келмоқда. Жумладан, бу борада биринчи халқаро шартнома 1912 йил Гаагада тузилган эди. Ҳозирги кунда амалда бўлган БМТнинг 1961 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги ягона Конвенция, 1971 йилдаги “Психотроп моддалар тўғрисида”ги Конвенция, 1988 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан тиббий ва бошқа қонуний мақсадларда фойдаланишни ва шундай восита ва моддаларнинг суиистеъмол қилишга йўл қўймасликни ҳуқуқий тартибга солади. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилувчи халқаро органлар, гиёҳвандлик воситалари бўйича ЭКОСОС комиссияси ва гиёҳвандликни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита фаолият кўрсатмоқда.***

БМТ бу борада бизга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, БМТ тақдим этган фильмлар ўқув машғулотларининг мазмунли ўтишига таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йилнинг августида “Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган ёшларни даволаш усуллари” мавзусида тўртта тренинг ўтказдик. Ушбу машғулотларда мактаб илмий бўлим мудирлари, психологлар ҳамда мураббийлар малакасини оширишди.

Ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биз сўров ўтказган ёшларнинг 71,4 фоизи гиёҳванд моддаларни бир татиб кўришга қизиқиш сабабли, 37,3 фоизи ўтиришда биринчи марта, 12 фоизи тўйда, 10 фоизи эса дискотекада истеъмол қилганлигини, 74 фоизи эса ота-онаси билан зиддиятга келиб қолгани учун спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддасини истеъмол қилганини маълум қилишди. Ёшларни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишдан сақлаб қолиш учун нима қилиниши керак, деган саволга сўралганларнинг 90 фоизи тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтириш лозим, деб жавоб қайтаришди.

**Эркин АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори**

— Албатта, яқингача Европа ва дунёнинг бошқа ҳудудларига наркотик моддалар асосан Афғонистондан олиб келинар эди. Толибларнинг сиёсати “опий”, “кўкнор” каби гиёҳвандлик воситаларини етиштириб, экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган эди. 1999 йилда бу мамлакатда 91 минг гектар ерда гиёҳванд моддалар етиштирилди. Охирги йилларда Афғонистондан олиб келинган героин жаҳон бозорида 75 фоизни ташкил этди. Экспертларнинг фикрича, Афғонистонда ишлаб чиқарилган наркотикларнинг 65 фоиз Марказий Осиё ҳудудидан ўтказилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистондан наркотикларни ғарб, шарқ ва айрим жанубий йўллар орқали ташиш наркотик ташувчилар учун жуда хавфли бўлмоқда. Масалан, Хитой ва Сингапурда 1 кг опий ёки 50 грамм героинни сотганлик ёки ўтказганлик учун ўлим жазоси белгиланган. Афғон наркотик моддаларини ташишнинг жанубий йўналиши — Покистон (Карачи порти) ва Ҳиндистон орқали ўтади, лекин кўп тўхташ лозим бўлади. Денгиз орқали Стамбул (Туркия)га, ундан кейин Ғарб мамлакатларига ўтиш йўли ҳам мавжуд, аммо бу йўналишдаги Миср, Исроил ва Туркия каби давлатлар гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши фаол курашаётганлиги сабабли наркобандалар бу йўлдан камдан-кам фойдаланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, наркокорчалонлар наркотик моддаларни Афғонистондан Ғарб давлатларига ўтказишнинг қулай йўли Марказий Осиё давлатлари деб ҳисоблайди.

Бунинг сабаби иккита: биринчиси, Марказий Осиё давлатлари (чунончи, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон)да наркотрафик гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтишга қарши курашнинг самарали ва изчил равишда олиб борилмаётганлиги бўлса, иккинчиси, бу давлатларнинг ўзларида ҳам таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган экинларнинг етиштирилаётганлигидир.

Республикамизда наркотрафикка қарши кураш кучайтирилганидан сўнг бу “жанубий йўл” ўз йўналишини ўзгартириб, БМТнинг маълумотига кўра, Кушка (Туркманистон) ва Хорок — Уш (Тожикистон—Қирғизистон) орқали ўтмоқда. Лекин шунга қарамай, давлатимизда наркотрафикка қарши тўсиқларни қўйиш ва бу “бало-қазо”га барҳам бериш чораларини кўриш давом эттирилмоқда. 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинганлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича комиссия ва Миллий ахборот таҳлил марказининг таъсис этилиши бунинг яққол исботи бўла олади.

Бундан ташқари, Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлатларининг саммити, Тошкентдаги қўшни давлатлар Президентларининг учрашувида И.Каримов наркотрафикка қарши биргаликдаги фаолиятни фаоллаштириш, бу курашни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш мақсадида ягона Марказни таъсис этиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйди.

Давлатлараро бундай фаолият олиб борилаётганлигини кўриб, табиий савол туғилиши мумкин: наркотрафикка қарши курашда республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари, жумладан, прокуратура идоралари қандай муҳим вазифаларни амалга оширишлари зарур?

Бизнинг фикримизча, авваламбор, бу долзарб муаммо ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг биргаликдаги ва доимий назоратини талаб этади.

Бу мақсадга эса турли йўллар билан эришиш мумкин, масалан, наркотрафик масаласи бўйича Мувофиқлаштирув кенгаш мажлисини ўтказиш. Бунда биринчидан, наркотрафикнинг аниқ йўналишини кўрсатиб берилиши; иккинчидан, ушбу муаммо бўйича идоралараро ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг ташкилий ва амалий фаолиятининг ҳар жиҳатдан таъминлаб берилиши ижобий натижалар беради, деб ўйлайман.

Наркотрафикка қарши кураш самарадорлигини оширишнинг яна бир усули — бу чегарадош давлатлар ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатишдан иборат.

Мулоҳаза учун:

****** БМТ маълумотларига кўра 1999 йилда наркобизнес орқали 300-500 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад олинган. Бу даромадлар эса наркобизнес фаолияти билан шуғулланувчи турли жиноий уюшма, гуруҳларнинг бошқа жиноятларни содир қилишига сарф қилинган.***

****** 1999 йили Афғонистонда 4600 тонна ёки дунёда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларнинг 75 фоизи етиштирилган. Бу кўрсаткич 2000 йилда 7000 тоннага етган. Худди шу йили Афғонистон билан қўшни бўлган давлатларда 56 тоннадан зиёд гиёҳванд воситалари олинган.***

****** Маълумотларга қараганда бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг 75 фоизи наркотик моддалари билан боғлиқ.***

****** Давлатлар ўртасида жиноятчилика қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши тартибга солиб туради. Бу кенгаш қошида бир қанча ёрдамчи органлар (масалан, гиёҳвандлик воситалари бўйича комиссия, халқаро терроризм бўйича комиссия ва ҳоказолар) ташкил этилган.***

****** Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишда БМТнинг ташаббуси ва давлатларнинг ўзаро келишуви билан яна бир ташкилот фаолият кўрсатадики, бу “Интерпол”дир. Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлиб кирган.***

****** 1996 йил 24 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий кинология марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги 364-сонли қарорига асосан Давлат божхона қўмитаси қошида Миллий кинология маркази ташкил этилди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу марказ фаолияти билан АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Қирғизистон давлатлари ҳамда Бутунжаҳон божхона ва Евробожхона ташкилотлари делегация вакиллари яқиндан танишиб, уни юқори баҳоладилар.***

**Абдусалом НОРБОЕВ,
ТДЮИ доценти**

— Гиёҳвандлик жамиятдаги хавфли иллат бўлиб, ҳеч бир жамият бу иллат билан келиша олмайди. Бу номатлуб одатлар ҳуқуқий онгга ҳам, кишиларнинг турмуш тарзига ҳам мутлақо зиддир.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятларни характерига кўра тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Наркотик воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жиноятлар: тақиқланган экинлари етиштириш (ЎзР ЖК 270-моддаси).

2) Гиёҳвандлик воситаларини олиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар: гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЎзР ЖК 273-моддаси), контрабанда (ЎзР ЖК 246-моддаси).

3) Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ёки истеъмол қилишга шароит яратиш жиноятлари: гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЎзР ЖК 273-моддаси).

4) Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган бошқача ғайриқонуний ҳаракатлар: гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЎзР ЖК 276-моддаси).

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг барча йўналишларини беркитишнинг куч ва воситаларини бирлаштиришни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун қабул қилинган янги қонунлар гиёҳванд воситаларини назорат қилиш халқаро шартномаларига ҳамда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига тўлиқ мос келади.

Гиёҳвандликка қарши фақат жиноят ҳуқуқий чоралар орқали кураш олиб бориш яхши самара бермайди. Чунки 200 га яқин тиббий дорилар ва 2000 хилча кимёвий воситалар наркотик кайф бериш хусусиятига эга. Шунинг учун гиёҳвандликка қарши курашнинг бош йўналиши уни истеъмол қилишнинг сабабларини бартараф қилишдан иборат бўлиши керак.

**Саҳифани
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
тайёрлади.**

АКСИЛТЕРРОР ТАЖРИБАСИ

Ҳозирги вақтда бутун дунёда терроризм балосига қарши кураш кетмоқда. Бу борада халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муайян тажриба ҳам орттиришди. Буюк Британиянинг Ирланд Республикачилари Армияси (ИРА)га қарши курашда олиб борган фаолияти бунинг мисолидир.

Ирланд Республикачилар Армияси кейинги йилларда Ирландиянинг мустақиллиги учун кураш ниқоби остида фаолият юритадиган йирик террорчи ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилотнинг фаолияти Ирландиянинг ҳар иккала қисмида ҳам тақиқланган. Шундай бўлса-да, ҳозирда Лондон маъмурияти ИРАдан ажралиб чиққан “Шинн Фейн” партияси билан расмий музокаралар олиб боришга розилик берди.

1968-69 йилларда ИРА ташаббуси билан Ольстерда Англия ҳукуматининг вилоятда олиб бораётган камситувчи сиёсатига қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Оммавий тартиббузарликларга қарши Дерри ва Ольстер шаҳарларига қўшимча қуролли кучлар киритилди. Бунга жавобан ИРА ташкилоти аъзолари уларнинг ҳарбий базаларига қарата бир нечта террорчилик хужумлари уюштирди. Таъкидлаш жоизки, ИРА “мустақиллика интилиш” ниқоби остида фаолият юритади.

1969 йил 28 декабрда ИРА “Муваққат армия кенгаши” ва “Шинн Фейн” деб аталган Шимолий Ирланд партиясига ажралиб кетди. Муваққат Ирланд республикачилар армияси деб атала бошлаган ташкилот асосан Буюк Британияда ва чет элларда қўпорувчилик ҳаракатларини давом эттирди. Ундан фарқли ўлароқ “Шинн Фейн” партияси сиёсий кураш йўлига ўтди. 1974 йилдан бошлаб “Шинн Фейн” партияси Шимолий Ирландиянинг расмий ташкилотига айланди ва Буюк Британия ҳукумати билан сиёсий музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлди. 1999 йилдан бошлаб у Ольстер шаҳрида давлат ҳокимияти лавозимларига ўз номзодларини қўйиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Армия ва полиция назорат постларига ҳужум уюштиришда террорчилар кўпинча миналаштириш, портловчи моддаларни автомобилларга ўрнатиш, ракета ва миномётлар қўллаш усулларидан кенг фойдаланган. Айниқса, аҳоли зич жойларда портлатиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда уларнинг фаолиятига маҳаллий аҳоли ҳам қарши чиқмоқда. 1971 йилдан буён аҳоли ўртасида ташкил топган мудофаа бирлашмалари маҳаллий аҳолини террорчилар хуружидан ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Шунингдек, улар Шимолий Ирландиянинг Буюк Британиядан ажралиб чиқишига ҳам қаршилик кўрсатишаяпти.

Британия хавфсизлик хизматининг маълум қилишича, 1994 йилда ташкилот сафида 300 нафар юқори тайёргарликка эга бўлган қўпорувчилар ва 700 дан ортиқ уларга ёрдам берувчилар мавжуд бўлган. Яна минг нафар ташкилот аъзолари Британия қамоқхоналарида сақланмоқда. Умуман олганда, 1969 йилдан то 1984 йилга қадар 350 нафар террорчи йўқ қилинган.

Британия ҳарбий экспертларининг таъкидлашича, вақтинчалик авф эълон қилинган ИРА қуролли кучлари таркибида 700 дона АК-47 автоматлари, 20 дона пулемёт, 7 дона САМ-7 русумли кичик габаритли ракеталар, 40 дона РПГ русумли миномет, 30 тонна портлатувчи модда ва қўплаб тўппончалар мавжуд бўлган. Шунингдек, ИРА бошқаруви разведка, контрразведка ва радиотўлқинларни қабул қилувчи қурилмаларига ҳам эга бўлган. Ташкилотнинг Буюк Британия, Ирландия махсус хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларида айғоқчилари бор эканлиги аниқланган. Шу боис ИРА Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам фаолият олиб борган. Унинг ҳар бир аъзоси бошлиқларнинг буйруқларига сўзсиз итоат этиши, содиқ бўлиши ва ўртача 20 ёшда бўлиши талаб қилинган. Махсус лагерларда уларга бехато отиш, портловчи моддаларни ишлатиш, мабодо қўлга тушиб қолганда саволларга ёлғон кўрсатмалар беришни ўргатилган. Шунингдек, ташкилот аъзоларининг кўпчилиги Ливия ва Фаластиндаги лагерларда махсус тайёргарликдан ўтишган. Террорчилар кўпинча ҳарбий хизматчилар жойлашган объектларни портлатиш ва аҳоли ўртасида террорчиликка ташвиқот ишларини олиб бориш билан шуғулланишган. Қўпорувчилар бирор-бир объектни портлаштишдан олдин дастлаб полицияни бу ҳақда огоҳлантиришган, лекин портловчи модда ўрнатилган жойни сир тутишган.

Британия махсус хизмати вакилларининг хабар беришича, ИРА фаолиятига ҳар йили 9 миллиондан 16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарф этилган. Ташкилотнинг молиявий тушумлари асосан электрон ўйинлар, талончилик, тадбиркорларга ноқонуний солиқлар солиш, товламачилик, видео-аудио қароқчилик ва суғурта хизматидаги фирибгарликлар эвазига вужудга келган. ИРАнинг оператив базалари АҚШ, Германия, Италия, Испания каби қўплаб мамлакатларда фаолият олиб борган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Буюк Британияда террорчиликка қарши қонунчилик айнан ИРАнинг фаоллашуви натижасида вужудга келган. 1989 йилда қабул қилинган терроризмга қарши қонун аввалги қонундан бирмунча фарқ қилади. Ушбу қонун Буюк Британиянинг Италия ва Германия хавфсизлик кучларининг террорчиликка қарши ҳамкорликда олиб борган тажрибаларини ўзида акс эттирган. Бу қонун ҳам терроризмга қарши курашда кейинги йилларда етарли натижа бермай қўйди.

1972 йилда Ольстерда Британия ҳукуматининг тўғридан-тўғри бошқаруви жорий этилганидан сўнг хавфсизлик хизмати ва террорчиликка қарши курашувчи бўлинмалар зиммасига янги вазифалар юклатилди. Лекин бу тадбир ҳам кутилган натижа бермагандан сўнг 1976 йилда полициянинг махсус бўлимида ўта махфийлаштирилган “Е4А” номли бўлинма ташкил этилди. 1980 йилда эса батальонлардаги тезкор бўлинмалар бирлаштирилиб, ҳар хил шароитда фаолият олиб борадиган махсус бўлинма ташкил этилди ва унинг таркиби тажрибали ҳарбий хизматчилар билан тўлдирилди.

Британия махсус хизмати маҳкамасининг хабар қилишича, 1990 йилда Германия, Бельгия ва Голландиядаги ирланд жамоалари ичида мавжуд бўлган террорчилик лагерларидан бир нечтаси йўқ қилинган. Кейинги йилларда терроризмга қарши кучларни бирлаштириш мақсадида Ольстерда Ижроия қўмита ташкил этилди. Қўмита таркибига Британия махсус хизмат раҳбари, армия олий бош қўмондони, Ольстердаги махсус полиция ва армия бўлинмалари раҳбарлари киритилган. Ҳозирги пайтда қўмитанинг 14 ҳарбий бўлинмаси ҳамда радио-электрон разведка хизмати ИРАга қарши сафарбар этилган. Бундан ташқари, 1993 йилда Лондонда терроризмга қарши кучларни бирлаштириш мақсадида махсус қўмита ҳам ташкил этилиб, унинг таркибига Ички ишлар вазирлиги, Шимолий Ирландия ва Шотландиянинг Мудофаа, савдо-сотиқ, транспорт вазирликлари раҳбарлари киритилди. Лекин бу усул ҳам кутилган натижани бермади. 1993-94 йилларда террорчилар икки марта Буюк Британия Бош вазирига суиқасд уюштирди. Қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида 35 нафар одам ҳалок бўлди ва 544 нафари эса турли даражада тан жароҳат олди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Британия махсус хизмати ва ҳарбий кучларининг терроризмга қарши 70 фоиз сафарбар этилди. 1994 йилда олиб борилган аксилтеррор ҳаракатига Британия бюджетидан 150 миллион фунт стерлинг маблағ ажратилган. Ўтказилган тадбирларда 22 минг нафар ҳарбий хизматчи иштирок этди. Шимолий Ирландияда 12 та батальондан иборат 20 минг нафар ҳарбий хизматчи мунтазам равишда сақлаб турилди. Бундан ташқари, чегара зонасида назоратни кучайтириш, махсус виза тартибини жорий этиш, муҳим объектларга кузатув камераларини ўрнатиш каби тадбирлар ҳам амалга оширилди.

1994 йилда солиқ хизмати билан ҳамкорликда Англия, Шимолий Ирландия ва Ирландия Республикасида ўтказилган кенг қамровли тадбирлар давомида ИРА нинг қўплаб яширин маблағлари ошкор этилиб, ташкилотнинг 22 нафар аъзоси ҳибсга олинди. 1982 йилдан 1994 йилга қадар Буюк Британия махсус хизмати террорчиларнинг 50 миллионга яқин маблағини мусодара этган. Шунингдек, террорчиларни қурол-яроғ билан таъминловчиларга қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Ўтказилган тадбирлар давомида террорчиларнинг қурол-яроғ ва ракеталар ортилган бир қанча кемаларини қўлга туширишга муваффақ бўлинди. Терроризмга қарши курашда Британия махсус хизмати АҚШ ва Германия махсус хизмати билан ҳамкорлик ўрнатилди.

1974-75 йилларда қўпорувчилар ва Британия махсус хизмати ўртасида биринчи марта норасмий келишувга эришилди. 1994 йилда Буюк Британия Бош вазири Ж. Мейджер ташаббуси билан янги музокаралар ўтказилди. Бунга жавобан айрим қўпорувчи гуруҳлар келишув шартлари бузилмаса ўз фаолиятини тўхтатиши мумкинлигини айтишди. 1997 йилда ИРА таркибидан бу каби музокараларга қарши чиққан террорчи гуруҳлар ажралиб чиқди ва улар томонидан бир неча маротаба террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, терроризмга қарши курашда жаҳонда муайян тажрибалар қўлга киритилди ва ҳозирда улардан зарурлари амалиётда фойдаланилмоқда.

**“Юридическая газета”дан
Санжар ТОШПЎЛАТОВ
таржимаси**

Мулоҳаза учун мавзу

ТАЪМАГИРЛИК ТАРОЗУСИ



- *Яхши шогирд устоз юрган йўлдан юради*
- *Ҳар байрамда ўқитувчига совға олиб бориш шартми?*

- *Фарзандларимизни таъмагирликка ўргатиб қўймайлик*
- *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсинми?*
- *Мулоҳазам учун мени айбламанг*

Мен ўқитувчининг фарзандиман. Отам қирқ йилдан ошиқ мактабда муаллимлик қилган. Бугун ҳам опам, жиянларим, қариндош-уруғларимнинг аксарияти шу соҳанинг нонини ейишади. Бу билан фахрланаман. Уларга ҳам, шу ёшга киргунимга қадар ҳаёт сўқмоғида йўл-йўриқ кўрсатган барча устозларимга ҳам ҳамиша бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Ўқитувчиларни бекорга инсон қалбининг меъморлари дейишмаган. Улар ўз ўқувчиларининг қалбига қурган бинолар абадиятга қўйилган тамал тошларидир. Ҳазрат Навоийнинг устозлар ҳақидаги машҳур байтини эсланг:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо ҳаққин онинг минг ганж ила...

Албатта, устозлар ҳақидаги мақтовни ҳазрат Навоийдан ошириб айтиб бўлмайди. Бугун қоралаётганим мақолани бошлашга қийналаётганимнинг боиси ҳам устозларимга бўлган чексиз-чегарасиз ҳурматимдан далолат бўлса керак. Лекин устозларимиз айтганларидек, ҳақ сўзни ичга ютмоқ ҳам, ҳақсизлик сари қўйилган қадам билан баробардир. Шундай экан, мен ҳам дилимдагини айтмоғим жоиз. Балки ҳақдирман. Агар ноҳақ бўлсам, яна-да, хурсанд бўламан.

Ёдимда бор. Биринчи синфда "Алифбе" байрамига тайёргарлик кўраётгандик. Қишлоқнинг тупроққўчасини чангитиб катта бўлган болалар эмасмизми, ҳали устозга миннатдорчилик билдириш нималигини ҳам билмаймиз. Шунда опаларим менга устозлар ҳақидаги бир шеърни ўргатдилар. Байрамда шу шеър билан биринчи ўқитувчимга миннатдорчилик билдирдим. Ҳозирги замон тили билан айтганда, ўқитувчимга ёдлаган шеъримни совға қилдим. Гўдак хотирамда ўқитувчимнинг ўша пайтдаги хурсандчилиги шундайгина муҳрланиб қолган. Энг қизиғи, кейинчалик ҳам ўқитувчим ўша ҳолатни қайта-қайта эслаганига гувоҳ бўлганман.

Эҳ-ҳей, бу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам яқин ўттиз йил бўлиб қолди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бугун ўзим отаман. Икки фарзандим ўқувчи. Бундан уч йил муқаддам катта ўғлимнинг "Алифбе" байрамига жуда бошқача тайёргарлик кўрдик. Худди опамлар бир пайтлар менга шеър ёдлатганларидек, унга ҳам шеър ёдлатдим. Байрам куни эрталаб ўғлимдан ҳам кўра кўпроқ мен ҳаяжонландим десам, ишонаверинг. Ота-бола қўл ушлашиб кўчага чиқдик. Мактаб томон бурилсам, ўғлим қўлимдан тортиб, "дада, гул олмаймизми", деб қолди. Тўғрисини айтиш керак, ўғлимнинг шаҳар тарбиясини олганидан, ҳали биринчи синфда ўқишига қарамасдан, гул олишга фаҳм-фаросати етганидан хурсанд бўлдим. Бир қанча вақт давраларда мақтаниб ҳам юрдим. Гул олаётган пайтимизда яна бир нарса эътиборимни тортди. Ўғлим каттагина саватдаги гулни танлади. Нархи чўнтагимга анчагина оғирлик қилишига қарамасдан унинг кўнглини қолдиргим келмади. Саватчадаги гулни харид қилдик. Мактабга бориб кўрдимки, бизнинг гулимиз баъзи ўқувчилар олиб келаётган гулларнинг олдида "ғариб"гина экан.

Ана шунда биринчи марта кўнглимга бир хавотир оралади. Ҳали гўдак, эндигина мактаб остонасини ҳатлаётган болалар шундай улкан гулсаватлар олиб келиши шартмиди? Нега ўқитувчи опа бу гулларни қайтармасдан олаяпти? Ахир, ҳар бир гулнинг нархи фалон пул турса? Унга қай оиланинг имконияти етади-ю, қай бириники етмайди? Синфдошига нисбатан кичикроқ гул олиб келган ёки олиб келолмаган бола ўксиб қолмасмикан?..

Лекин ўша пайтда бу саволни ҳеч кимга беролмадим. Сабаби — ўзимнинг ўғлим ҳам шу мактабда ўқийди. Мен ҳам гул сотиб олганман. Ўйладимки, тағин мактаб жамоаси бу қаламкаш гулга сарф қилган пулига ачинаяпти, деган хаёлга бормасин...

Орадан бир йил ўтиб, бу воқеани унутгандай бўлган эдим. Қишлоққа борганимда яна бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Адашмасам 8 март байрами арафаси эди. Узоқ йўлдан чарчаб бориб, эрталаб ухлаб қолибман. Янгамнинг қўшни хонадан эшитилаётган овозидан уйғониб кетдим. У мактабга бораётган қизчасини урушаётган эди. Она-боланинг "баҳси"га қулоқ тутдим. "Ана, уйдаги китоблардан бирини олиб боравер",-деди онаси.

Эртаси куни опамникига бордим. Опам ҳам бошланғич синфларда дарс беради.

— Опа, — дедим, — болаларимиз мактаб ёшидан совға-саломга ўрганиб қолсалар нима бўлади? Бугун мактабга совға кўтариб борган бола, эртага улғайиб бировга пора беришга ҳам ҳаракат қилмасмикан. Ўқитувчисига рўмол олиб боролмаган ўқувчи акамнинг қизи каби ўксиб қолмасмикан?!

— Бугун бирор ўқитувчи бирор нафар ўқувчисидан совға талаб қилганини эшитганим йўқ. Тўғриси, бундай нарсаларга бошланғич синф ўқувчиларининг ақли етмайди. Ҳамма гап ота-оналарда. Шундай ота-оналар борки, ҳар байрамда, албатта, мактабга келиб, ўз фарзандларининг ўқитувчиларини табриклаб кетишади. Йўқ, сен тўғри тушун. Ҳамма мактабга совға кўтариб келаркан, деб ўйламагин. Мактабга келиб, фарзандининг ўқишларидан хабар олган, фарзандининг устозини бир оғизгина табриклаб қўйган ота-оналарни ҳеч қачон айблаб бўлмайди. Биз ҳамиша улардан миннатдор бўламиз. Энди сен айтгандай, совға-салом кўтариб келадиган, олмасанг, мажбуран ташлаб кетадиган ота-оналар ҳам бор. Лекин бу ўринда ўқитувчиларни айбдор санасанг, нотўғри бўлади. Яна қайтариб айтаман, ҳали иш фаолиятим даврида бирор бир ўқитувчининг ўқувчисига нисбатан таъмагирлик қилганини эшитганим йўқ...

Хуллас, опам билан баҳсимиз узоқ чўзилди. Аниқ бир хулосага келолмадик. Опамнинг фикрича, мактабга совға-салом олиб бораётган ёки бериб юбораётган ота-оналар, менинг фикримча эса, ўша олиб борилган ёки бериб юборилган совға-саломни олиб қолаётган ўқитувчилар айбдор. Барибир баҳсимиз якун топмади. Иккаламиз ҳам ўз фикримизда қолдик. Фақат ушбу мақолани ёзишим бир йилга сурилди, холос.

Агар яна бир воқеа сабаб бўлмаганида ушбу мақолани умуман ёзмаган ҳам бўлармидим. Янги йил арафаси танишларимиздан бириникида меҳмон бўлдик. Гап айланиб келиб мактабга тақалди. Танишимизнинг қизчаси биринчи синфга борган экан. Хотини куйиниб гапириб қолди:

— Яқинда "Алифбе" байрами олдидан ота-оналар йиғилиши ўтказдик. Ўттизта бола ўттиз хил бўлгани каби, уларнинг ота-оналари ҳам ўттиз хил феъл-атворга эга. Биров у совға қиламиз деса, биров бу, деди. Узоқ тортишувдан сўнг фарзандларимизнинг муаллимасига олтин балдоқ совға қиламиз, дейишди. Бунга биров кўнди, биров кўнмади. Шунда, билассизми, орамизда ўтирган бир бойваччароқ аёл ўрнидан шартта туриб, "Сизлар йиққанларингча йиғинглар, қолганини мен бераман", деб чиқиб кетди. Одам ёмон изза бўларкан. Ахир, тилла тақинчоқ совға қилишга қарши чиққанлардан бири мен эдим-да...

Мен ушбу баҳсдан муаллима опанинг хабари бўлган-бўлмагани билан қизиқдим. Муаллима синф мажлисида қатнашмаган экан. Демак, уни айблаб бўлмайди. Унда ким айбдор? Ким болаларимизни гўдаклигидан бундай йўлларга етаклаяпти? Яна қайтариб айтаман, мактаб партасидан совға-салом билан иш битиришга ўрганган ўқувчи, ўсиб-улғайиб бир соҳанинг мутахассиси бўлганида ҳам совға-салом билан иш битирмайди ёки бировнинг қўлига қарамайди, деб ким айта олади? Ким кафолат беради турли байрамлар баҳона ўқитувчиларга қилинаётган совға-саломнинг фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслигига? Яна ким кафолат беради байрамларда "яхшироқ" совға олиб келган ўқувчисига баландроқ, "ёмонроқ" совға олиб келган ўқувчисига айрим ўқитувчиларнинг пастроқ баҳо қўймаслигига? Ёки ёнма-ён партада ўтирган синфдоши қимматбаҳо совға кўтариб келганида, унинг қимматбаҳо совға ололмаган синфдошининг кўнгил мулки вайрон бўлмаслигига ким кафолат беради, ахир?..

Азиз муштарий. Мен бировга тош отиш фикридан йироқман. Фақат кўксимдаги бир хавотирни қоғозга тўкдим. Ниятим, фарзандларимиз таъмагирликка ўрганмасинлар. Чунки ёш бола биринчи навбатда уйда ота-онасининг юриш-туришидан, хатти-ҳаракатидан андоза олса, иккинчи навбатда, устозларидан андоза олади. Демак, биз ҳаммамиз, ота-оналар ҳам, устозлар ҳам фарзандларимиз келажаги олдида бирдек масъулмиз. Зиммамиздаги масъулият юки жуда-жуда залворли. Биз мана шу масъулиятни бирор дақиқа бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ.

Энди фикр айтиш навбатини сиз азиз ўқитувчилар ва ота-оналарга берамиз. Марҳамат.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТУБАНЛИКДАН ТУҒИЛГАН АРМОН

Абдувоҳид Халилов Наманган шаҳар прокурорига шикоят ёзди. У хотини Мавжуда Акбарованинг Марказий туғруқхонада врачлар яхши даволамагани сабабли 2001 йил 9 апрель куни вафот этганлиги, лекин айбдор тиббиёт ходимлари ҳеч нарса кўрмагандек ишлаб юрганлиги, бу ҳақда адолат юзага чиқишини истайди.

Дастлабки тергов даврида аниқланишича, Мавжуда Акбарова ота-онадан ёлғиз фарзанд бўлган. У 1981 йилда туғилиб, 1999 йилнинг 16 декабрида Наманган шаҳар Ғалча кўчасидаги 1-уйга келин бўлиб тушган. Ёш ҳомиладор аёл акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Наманган филиалида 2001 йилнинг февраль ойида камқонлиги учун даволанади. Бироқ у ердаги тиббиёт ходимларидан баъзиларининг ўта қўполлиги, таъмагирлиги Мавжуданинг кўнглини ўкситади.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, 2001 йил 7 апрелида аёллар маслаҳатхонасининг йўлланмаси билан Мавжуда акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Наманган филиалига кўз ёриш учун боради. Маълум миқдордаги "тухфа" эвазига туғруққа тайёрлаш бўлими бошлиғи Маҳбуба Тўланова Мавжудани туғруқхонага жойлайди. Ординатор-врач Дилбархон Иномова, Маҳбуба Тўланова ва бошқалар Мавжуданинг яқинларига "Кўнгилларинг хотиржам бўлсин. Қизларингизнинг аҳволи яхши, бемалол ўзи туғиб олади", — деб айтишади.

Лекин 8 апрель якшанба куни ҳомиладор жувоннинг аҳволи оғирлашади. "Уни операция қилмасак бўлмайди, дейишади врач аёллардан бири Мавжуданинг яқинларига. — Кўнгилларинг тўқ бўлсин. Бу ерда малакали врачлар ишлашади".

Хуллас, кундузги соат 12 лардаги операция ўша ерда ишловчи дояларнинг таърифлашларича, муваффақиятли ўтган. Ҳомила эгизак эди. Боланинг бири нобуд бўлади. Иккинчиси эса ҳаёт. Онанинг аҳволи ҳам яхши эди.

Бироқ... Кечга бориб беморнинг тоби қочади. Мавжуда ва унинг турмуш ўртоғи Абдувоҳиднинг илтимосларига тиббиёт ходимлари: "Ўзи шунақа бўлади", деб жеркиб жавоб беришдан нарига ўтишмайди.

Афсуски, аҳвол "ўзи шунақа" эмасди. Тунги 1^{30} ларда Мавжуда қайта операция столига ётқизилади.

— Операция учун дори-дармонлар, кўлкоп олиб келдиларингми, — сўрайди оқ либосдаги аёллардан бири. Кейин Мавжуданинг ота-оналарига, ҳар эҳтимолга қарши қон берадиган донорлардан икки киши топиб келишини айтади.

Ярим тунда катта дўхтир Маҳбуба Тўланованинг безовта қилиниши, бемор қизнинг отасидан ва икки донордан олинган қонлар кор қилмади...

Беш нафар оқ халатли "малакали" врачлар бир-бирларига термулишиб қолишди. Бош врач Клара Усмонова, Ҳайитхон Сураева, Жўрахон Азимова, Маҳбуба Тўланова, Дилбархон Иномоваларнинг фикри "бир ердан" чиқди. Улар маслаҳатни бир жойга қўйиб, касаллик тарихини кўздан йўқотадилар. Қон кетишдан вафот этган беморнинг ташхиси "тромбоэмболия" деб ўзгартириб қўйилди. Врач Гулнора Ҳабибуллаева ЎТТ хулосаларини ҳам ўзгартириб, сохталаштириб, касаллик тарихига тиркаб қўйди. Гўёки иккинчи операция ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

Мавжуданинг вафот этган вақтини эса 3^{30} эмас, балки 00^{30} деб янгидан ёзадилар.

Мусулмончилик амалларида майитни тезроқ ўз жойига элтиб қўмиш фарз қилинади. "Бўлар иш бўлди. Энди ўлган ҳеч вақт тирилиб келмайди-ку? Ҳаммаси худодан. Пешонага ёзилгани-да!" Ана шу амаллар кўп ҳолларда айрим-нўноқ врачлар айбларининг ёпилиб кетишида қўл келмоқда.

— Эҳ, бундай оғир савдолар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, — дейди оғир айриликдан ўзини олдирган Абдувоҳид Халилов. — Мавжудани ўз жойига элтиб қўйдик. Бироқ Марказий туғруқхонадаги айбдор врачларнинг ҳеч нарса кўрмагандек ишлаб юришлари, у ердаги ҳар хил гап-сўзларнинг кўпайиши менга тинчлик бермади. Мен ўзимни қандайдир таҳқирлангандек ҳис қилдим.

...Қабр очилди. Мавжуданинг жонсиз танаси қайта эксгумация ўтказиш йўли билан суд тиббий экспертизаси ўтказилди. Врачлар бемор тромбоэмболиядан эмас, ҳақиқатдан қон кетиш туфайли ҳаётдан кўз юмганлигини аниқлашди.

— Текширишлар жараёнида Марказий туғруқхонада бу каби ҳолатларнинг тез-тез такрорланиши киши диққатини ўзига тортади, — дейди Наманган шаҳар пркуратурасининг катта терговчиси Ҳабибулла Тўрабоев. — 1973 йилда туғилган Шоҳиста Нуриддинова, 1980 йилда туғилган Мавлуда Камолова, 1973 йилда туғилган Ўғилхон Муҳиддиновалар январ, апрель, май ойларида кимларнингдир айби билан ҳаётдан жуда эрта кетганлиги аниқланди. Энг ачинарлиси вафот этган беморларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари тиббиёт ходимлари томонидан сарсон-саргардон қилинган. Уларга беморларнинг вафоти ҳақидаги маълумотномаларни ёзиб беришмаган. Ушбу ҳолатлар бўйича муҳокамалар ўтказилмаган. Айбдорларга тегишли жазолар берилмаган. Берилган бўлса-да, номига, енгил танбеҳлар билан чекланилган. Масаланинг яна бир жиҳати — ёши аллақачонқ пенсия ёшидан ўтиб бўлган Ж.Азимова, К.Муҳиддинова каби врачларнинг ҳамон ишлаб юришлари, бу борада янгиликларга, албатта, тўсқинлик қилади.

Мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Айбдорларга Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарлик эълон қилинди. Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонига асосан улар жазога тортилмай қолишди.

— Алам қилади-да, ака, — дейди Абдувоҳид, — наҳотки аёл кишилар нафсини ўйлаб шунчалик қабиҳликка боришади?

...Мавжуда, Шоҳиста, Мавлуда, Ўғилой... Улар қанчадан-қанча оилаларни бахтли қилиши мумкин эди.

Мавжуданинг бир олам орзуси бор эди. У ота-онасининг ёлғиз фарзанди бўлгани учун ана шу ёлғизликни шириндан-шакар набиралар билан тўлдирмоқчи эди... Афсус, унинг орзу-умидлари кимларнингдир бепарволиги, лоқайдлиги билан саробга айланди.

Ўз мухбиримиз

*

Қишнинг сўнгги кунлари...



КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Судья:
— Нега овчилар жамиятининг аъзоси бўлмай туриб, куённи ўлдирдингиз?
— Нега менинг оиламнинг аъзоси бўлмай туриб, куён даламдаги карамни еиди?

* * *

Бир фермер ҳаётини суғурта қилдиради-ю, кўп ўтмай чўкиб ўлади. Бева аёлнинг қўшниси дейди:
— Қандай бахт, эрингиз ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмасди-ю, лекин эҳтиёткор экан...
— Худога шукрки, у сузишни ҳам билмасди, — деди бева.

* * *

Неврапатолог бемордан сўради:
— Сизда бир ҳолат бўлиб турадими — овозни эшитасиз-у, лекин ким қаердан гапираётганини билмайсиз?
— Тез-тез бўлиб туради, доктор.
— Жуда чатоқ-ку! Қай вақтларда шундай бўлади?
— Телефонда гаплашганимда...

БАДБИНЛИК ФОЖИАСИ

ЁХУД НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ БИР МУШТИПАР АЁЛНИНГ БЕВАҚТ ЎЛИМИ ҲАҚИДА

Семизликни фақат қўй кўтаради, деган иборани қадимгилар топиб айтган экан. Одатда бу ибора чўнтагига пул кириб, босар-тусарини билмай қолган одамларга нисбатан айтилади. Лекин бу ибора яшаяптими, демак, ҳаётда ҳам шундай одамлар учрайди... Ўктам Жумаев илгари мўмин-қобил йигит эди. Турмуш ўртоғи Гулнора билан оиланинг юмушларини бирга тортиб, уч нафар фарзандини тарбиялаб, вояга етказиш уларнинг энг катта орзуси эди.

Аммо бу оиланинг ширин ҳаётига кўз тегди. Бунга ҳам аслида оила устуни саналмиш ота айбдор.

Воқеа аслида бундай бошланган эди.

1995 йилнинг ёз фаслида Ўктам уйига хурсанд ҳолда кириб келди.

— Хотин, энди биз бой бўламиз, худо насиб этса, "Нексия"да юрамиз, — деди кечки овқат пайтида.

— Тинчликми, лотореяга машина ютдингизми?

— Йўғ-а! Хусусий фирма очдим. Савдо-сотиқ билан шуғулланамиз. Қарабсанки, пичоқ ҳам, чўмич ҳам мой бўлади.

Ҳа, ҳаётнинг давоми Ўктамнинг айтганича кечди. Хусусий фирма очгач, унинг қўлига анча-мунча пул кирди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ургут шаҳарларига зир қатнаб, савдоси юришиб кетди. Тижоратчи улфатлар орттирди. Уйига баъзан келиб, баъзан келмайдиган одат чиқарди. Бу орада хотини Гулнора ҳам тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. У алоҳида хусусий фирма ташкил этиб, ишлай бошлади.

Бойлик тўплаш, пул топишга муккасидан кетган кунлардан бошлаб Ўктамнинг ҳаётида ўзгариш пайдо бўлди. У деярли ҳар куни уйига маст-аласт ҳолда келар, хотини ва болаларига йўқ жойдан айб топиб, зуғум ўтказарди. Баъзан қўлига пичоқ олиб, "ҳаммангни ўлдираман", дея пўписа қиларди. Ўктам аввалига ҳазил маъносида иш тутиб, кейинчалик қилмиши қотилликка айланишини, оила барбод бўлиб, болалар етим қолишини хаёлига ҳам келтирмасди...

Гулноранинг кундалик топиши эриникидан анча ошиб тушди. Буни эри нотўғри тушунди. У "Сен фалончи билан дон олишиб юрибсан, уйга вақтида келмаяпсан, сенга ўйнашларинг пул бераяпти", дея рашк қилишга, хотинидан гумон қилишга ўтди. Аслида Гулноранинг хизмат тақозоси туфайли турли одамлар билан муомала қилишига тўғри келарди. Эри эса буни нотўғри тушунарди. Бу жанжал газак олди. Шунга қарамай, Гулнора фарзандлари, оиласини ўйлаб, эрининг "қилиқлари"га чидади. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, дея умид қилди. Ўзини меҳнатга урди, елиб-югурди. Эрим мени тушунар, деган мақсадда иш билан овунди.

Ўтган йилнинг 22 сентябр куни кечқурун фожиа рўй берди. Одатдагидек, Ўктам Жумаев Навоий шаҳар деҳқон бозоридан кунлик даромадни қуртдек санади-да, қадрдон улфатлари билан роса "отамлашди". Сўнг маст ҳолатда уйига йўл олди. Боя бозорда хотинининг бир эркак билан гаплашиб турганини эслади-да, қадамини тезлаштирди. Хотинини шу масалада "бопламоқчи" бўлди.

Гулноранинг эса хаёли бошқа жойда. Эрим келгунча егулик пишириб қўяй, деб ошхонада овқатга уннарди. Шу пайт Ўктам жаҳл билан эшикдан кириб келди-да, хотинини ура кетди.

— Ифлос, бозорда қайси ўйнашинг билан оғиз-бурун ўпишаётган эдинг, айт! — бақирди у.

— Ўктам ака, ахир, у ҳам тижоратчилардан-ку, Тошкентдан мол олиб келибди, кўтарасига сотмоқчи экан. Шуни савдолашаётган эдим. Нега тушунмайсиз?

— Ҳа, фақат сен тушунасан, ана у ўйнашларинг тушунади. Мана, мана сенга...

У қўлига тушиб қолган ошхона пичоғи билан Гулноранинг орқасига, кўксига бир неча маротаба шафқатсизларча санчиб олади. Шу пайт чинқириқни эшитиб, 13 яшар қизи Феруза кириб қолади. Отасининг қўлидаги пичоқни кўради ва "онажон", дея дод солади. Муштипар она эса оғир тан жароҳатлари олганлиги боис воқеа жойида, қизининг кўз ўнгида ҳаёт билан видолашади.

Бир бебурд эрнинг қилмишлари онанинг умрини хазон этди. Болаларни аро йўлга ташлади, оила эса барбод бўлди. Энди эса қотил Ўктам Жумаев ўзининг 19 йиллик умрини қаттиқ тартибли жазони ўташ жойида ўтказиб, содир этган жиноятининг қандай оқибатларга олиб келгани ҳақида чуқур таҳлил қилишига вақти етади.

Ёрқул УМАРОВ,
журналист

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Ота-она фарзандига ёшлигидан "тўғри йўлдан юр", деб бекорга айтмайди. Бу гапда икки хил мазмун яширин. Унинг бири "Йўлда кетаётганингда олдингга қара, қоқилиб тушма", деган маънони англатса, иккинчисидан "ҳаётда тўғри бўлиб ўс, бировнинг ҳақига кўз олайтирма, ўғирлик қилма", деган ўгит тушунилади.

Косонсойлик Зарифжон Аҳмаджонов ўттиз ёшдан ошган бўлсада, ота-онасидан ёшлигида кўп бор эшитган маслаҳатга риоя қилмади. У эгри йўлга кириб кетди. Аниқроғи, вояга етмаган ёшларни атрофига йиғиб, гуруҳ тузди ва жиноят кўчасига қадам босди. Оқибатда бир неча навқирон ўсмирларнинг бадном бўлишига сабабчи бўлди.

Ўша куни вояга етмаган Олимжон Эгамбердиев, Қаҳрамон Аминов ва Рауфхон Муллаевлар Зарифжон раҳбарлигида кундузги соат 12ларда Косонсой шаҳридаги "Садпири Комил" масжиди олдида пайдо бўлишди. Бу вақтда одамлар жума намозини ўқиш учун чор-атрофдан масжидга шошиларди. Шу пайт "ВАЗ-2107" русумли 16 В 4001 давлат белгили автомашина масжид олдига келиб тўхтади. Гуруҳ аъзолари нигоҳи ушбу "Жигули"ни нишонга олди. Ҳамма масжидга кириб, кўча жимжит бўлиб қолгач, Зарифжон "шогирд"ларига буйруқ берди:

— Рауфхон, биз иккимиз пойлоқчилик қиламиз. Олимжон, Қаҳрамон икковинг тезда "Жигули"нинг юкхонасини очинглар. Зора ундан арзигулик нарса чиқиб қолса...

Икки ҳамтовоқ атрофга зимдан қараб туришди. Қолган икковлон калит танлаш йўли билан автомашинанинг юкхонасини илдам очишди. Қарашса, сеткадаги қоғозга ўралган бир нарса кўзга ташланди. Олимжон уни очиб кўрди. Не кўз билан кўрсинки, унга ўралган нарсалар кўп миқдордаги Қирғизистон Республикаси соми ва Ўзбекистон Республикаси сўмлари эди.

— Пуллар! — деди Олимжон севиниб, паст оҳангда шерикларига қарата.

— Оғзингни юм, — дакки берди унга дарров етиб келган Зарифжон.

У Рауфхонга қарашли велосипедни Қаҳрамонга берар экан, зудлик билан пулларни сой бўйига олиб бориб, кутиб туришликни айтди. Қаҳрамон велосипедни миниб, шамолдек учиб сой бўйига келди. Шу маҳал миясига келган фикрдан ўзи хурсанд бўлиб кетди. Яъни 21 минг сом қирғиз пулини олди ва уёқ, бу ёққа қараганча бир тошнинг тагига яшириб қўйди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай шериклар ҳаллослашиб сой бўйига келишди. Сеткани очишган эди, ундан 126 минг сом қирғиз ва 580 минг сўм ўзбек пуллари чиқди. "Ўлжа" шериклар ўртасида тенг тақсимланди.

Энди гуруҳ аъзоларидан бой киши йўқ эди. Улар пулнинг кўплигидан ҳовлиқиб, босар-тусарини билмай қолишди. Катта миқдорда теккан пулларни ҳар ким ўзича харжлаш пайига тушди. Олимжон Зарифжон билан Қирғизистон Республикасининг Ола-бока туманига бориб, қирғиз сомларини ўзбек сўмига алмаштиришди. Сўнг турли кийимлар ва битта видеомагнитафон сотиб олишди. Шундан сўнг икковлон Наманган шаҳрига йўрғалашди. Улар "вақтинчалик бойваччалар" эмасми, ҳамён тўла пулларни орқа-олдига қарамай сарфладилар. Енгил табиатли қизларни топиб, уларнинг хоҳишига кўра пул харж қилишди. Жумладан, Олимжон Гули исмли қизга 34 минг сўмга кийим сотиб олиб берди. Ўзига эса 10 минг сўмга жемпер, 3500 сўмга водолазка, 7500 сўмга кўйлак ва 6500 сўмга жинси харид қилди. Пул сарфлашда Зарифжон ҳам ундан қолишгани йўқ.

Қаҳрамон ҳам ўзида йўқ хурсанд. У сой бўйига ёлғиз ўзи бориб, тош остига яшириб қўйган жойидан 21 минг сом пулни олди. Пулларнинг маълум қисмини уйига беркитди. Шериги Рауфхон билан Наманган шаҳрида айш-ишратни авж олдирди. Икковлон Нодира ва Феруза исмли қизлар билан танишиб қимматбаҳо кийимлар сотиб олиб, уларга совға тариқасида беришди. Уларнинг ҳам текиндан топган пулларни сарфлашдаги "ҳотамтой"лигини аста қўяверасиз...

Энди гапни "Жигули" эгаси Баҳодир Баҳриддиновдан эшитинг. У масжиддан чиқиб, автомашинасини миниб, тўғри Косонсой шаҳридаги уйига боради. "Пулларни олиб қўяй", деб автомашинаси юкхонасини очди. Афсуски, унда пул солинган сетка йўқ эди. У "демак, кимдир масжидга кирган вақтимда ўғирлабди", дея ўйлаб, бу ҳақда дарров туман ИИБга хабар берди. Ўзи ҳам таниш-билишлардан машинаси юкхонасини ким очган бўлиши мумкинлигини суриштира бошлади. Машина эгаси Қаҳрамонни яхши танир эди. Кунларнинг бирида у Қаҳрамон Наманган шаҳрида бузуқ қизлар билан ресторанларда юрганмиш, деган гапни эшитди. Эҳтимол, пулларни ана шу хумпар ўғирлаб кетгандир, деган тахминга бориб, бу тўғрида милицияни хабардор қилди.

Туман ИИБ томонидан олиб борилган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида жиноий гуруҳ аъзолари ўн кун деганда қўлга туширилди. Олимжон Эгамбердиевдан 9 минг ўзбек сўми, 1380 сом қирғиз пули, видеомагнитафон, Зарифжон Аҳмаджоновдан 25 минг сўм ўзбек пули, Қаҳрамон Аминов ва Рауфхон Муллаевларнинг уйидан 150 минг ўзбек сўми, 51135 қирғиз соми далилий ашё сифатида олинди. Жабрланувчига 264 минг ўзбек сўми ва 60296 қирғиз соми тилхат орқали қайтарилди. Шунингдек, жиноятчилар ва уларга таниш бўлган қизлардан ўғирлик пуллар ҳисобига харид қилинган кўп миқдордаги кийимлар олиниб, туман ИИБга келтирилди. "Бойваччалар"нинг қилмиши юзасидан эса жиноят иши қўзғатилди. Туман суди гуруҳ аъзоларини турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш билан улардан даъвогар Б.Баҳриддиновга етказилган 860589 сўм миқдордаги моддий зарарни солидар тартибда ундириб бериш ҳақида ҳукм чиқарди.

Эркин ҚАМБАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси Муяссар Қодировага падари бузруквори

КАРИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: **Т. ХАСАНБОЕВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер оператори: **М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.